Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1925 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

✦ № 13 (9509). • 1989 йил 18 январь • чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

М. С. Горбачевнинг «Правда» газетаси редакциясининг саволларига жавоблари

Умумевропа жараёнида қатнашувчи давлатларнинг Вена учрашувида якунловчи ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан «Правда» редакцияси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. С. Горбачевга қуйидаги саволларни берди:

Савол: Шу кунларда 35 мамлакатнинг Ташқи ишлар министрлари Вена учрашувини Сиз 1988 йил 7 декабрь кунн Бирлашган Миллатлар Ташкилотида гапирган тинчлик даври бошланишини жиддий равишда яқинлаштира оладиган қарорлар билан тугалламоқдалар. Бу воқеани сиз қандай баҳолайсиз?

Жавоб: Аввало Европа мамлакатлари, АҚШ ва Канада ҳукуматларини зўр муваффақият билан табриклайман, бу муваффақият халқаро ишларга янгича, реалистик ёндашувларнинг самарадорлигидан далолат беради. Хельсинки жараённ янги поғонага кўтарилди.

Якунловчи ҳужжат оддий қурол ва қуролли кучларга бағишланган музокаралар мандати билан бирга мазмуни, мақсадлари жиҳатидан, Европа учунгина эмас, бутун дунё учун ҳам эҳтимол тутилган хилма-хил ижобий оқибатлари жиҳатидан мисли кўрилмаган воқеадир. У бирданига шу қадар кўп, жуда хилма-хил давлатлар томонидан бундай амалий қарорларнинг тайёрланиши характери жиҳатидан ҳам мислсиз ва ибратлидир.

Агар бу ишда орттирилган тажриба сақлаб қолинса ва ривожлантирилса, XXI асрга муносиб ялпи тинчликни барпо этишда «биргаликда ривожланиш» ва «биргаликда ижод қилиш» давлатлараро алоқанинг нормаси бўлиб қолади, инсониятнинг омон қолиши учун, унинг соғлом ақл-идрок, манфаатларнинг мувозанати, Ер юзидаги барча кишилар учун муштарак қадриятларнинг устунлиги принципларн асосидаги тараққиёти учун сиёсий ва маънавий шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

Савол: Мана шу икки ярим йил давомида бундай натижага эришишга Сиз ҳамиша ҳам ишонган эдингизми?

Жавоб: Ҳар қандай ҳолатлар бўлди. Музокараларда бир неча бор шундай вазият вужудга келдики, ҳисқаяжон ҳаддан ошиб, бутун ишни барбод қилаёзди. Бироқ тинчлик — ҳудоннг инъоми эмас, уни бизга ҳеч ким тортиқ қилмайди, деган тушунча таскин бериб турди. Шу сабабли ҳаммага мақбул бўладиган ечимлар ва битимлар йўлини излаш учун зўр бериб, сабот ва сабр-тоқат билан ишлайвериш зарур.

Бошқаларни оқилона муросага келишга таклиф этиш билан бирга биз ўзимиз ҳам шу йиллар ичида Венада баъзан ўткир тортишувга сабаб бўлган айрим муаммоларни тушуниш ва баҳолашда анчагина масофани босиб ўтдик.

Икки воқеанинг шонли равишда бир вақтга тўғри келганини айтмай ўта олмайман: Венадаги якунловчи ҳужжат 15 январь куни, бизнинг 2000 йилгача ядросиз дунёни барпо этиш ва оммавий қирғин қуролнинг ҳамма турларини тугатиш тўғрисидаги ташаббускор программамиз эълон қилингандан кейин уч йил ўтган куннинг айни ўзида келишиб олинди. Бу — хом ҳаёл бўлмаганини, балки реал имкониятларни баҳолашга асосланганини воқеалар ва авж олиб кетган жараёнлар кўрсатиб берди.

Вена қарорлари — буни яққол исботлайдиган далиллардан биридир.

Бундай далиллар тобора кўпаяверишн учун Варшава Шартномасидаги давлатлар билан биргаликда бундан буён ҳам сабот билан ижодонан ишлайверамиз. Янги ҳарбий доктринанинг қабул қилиниши социалистик мамлакатларнинг ўта қуролланганлик принципидан мудофаа учун оқилона етарлилик принципи сари бурилиш қилиш ҳоҳишини акс эттирди. Совет Иттифоқи ўз қуролли кучлари сонини бир ёқлама тарзда 500 минг киши камайтириб, айни вақтда оддий қурол-яроғларни анча қисқартириш ҳақида, қуролли кучларнинг бутун жойланишини мудофаа руҳида ўзгартириш тўғрисида, ҳарбий харажатларни қисқартириш ҳақида, халқаро конвенция тузилишидан аввалоқ химиявий қурол запасларини йўқ қилиб ташлашга киришиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Биз ўз иттифоқчиларимиз билан биргаликда Вена мандатига мувофиқ музокараларнинг кун тартибида белгиланган ҳамма масалаларни жуда жиддий ва амалий муҳокама қилишга тайёргарлик кўраяпмиз.

Савол: Вена учрашуви якунларини «Умумевропа хонадони» ғоясини рўёбга чиқариш йўлидаги қадам, деб ҳисобласа бўладими?

Жавоб: Шубҳасиз.

Биз мана шу «хонадон»даги ўзимизнинг совет «квартира»мизни қайта қуриш билан халқимиз танлаб олган социалистик йўлнинг тўғрилигини исботлайверамиз. Аммо орқада судралиб юриш, ажралиб қолиш, ўзимизни ташқи дунёга қарама-қарши қўйиш ниятида эмасмиз. Қайта қуришга хос бўлган янгича ёндашувлар асосида кенг мулоқотга ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр эканимизни ҳозирнинг ўзидаёқ исботладик.

Биз ўзимиз учун афзалликлар берилишини ҳам, ҳамма учун мажбурий бўлган қоидалардан истисно қилинишини ҳам талаб этмаймиз. Бу «хонадон»ни бунёд этувчиларнинг ҳамма қатнашчиларига фойдали моддий ва маънавий самаралар берадиган барқарор тинчлик — давлатларнинг манфаатларини бирга қўшиб олиб боришга, ҳаётий миллий эҳтиёжларни эътиборга олиб, чинакам халқаро муаммоларни интернационаллаштиришга асосланган доимий жараёндир.

Париж, Копенгаген ва Москвада Хельсинки жараёни доирасида гуманитар конференциялар ўтказиш тўғрисидаги қарор «совуқ урушнинг сийқа усуллари барҳам топаётганидан, муҳолифликдан ҳамжиҳатликка ва ҳатто ҳеч қачон турли дунёқарашдар намояндаларини бир стол атрофига тўплаш олмайдигандек туюлган нозик масалаларда ҳам ўзаро алоқалар ўрнатишга ўтилаётганидан далолат беради.

Совет Иттифоқи барча масалалар хусусида мулоқотга, мунозараларга, мақбул ечимларни қидиришга тайёр, жаҳон ҳамжамияти бундай масалаларни биргаликда ҳал этмай туриб, ялпи хавф-хатардан халос бўла олмайди ва тинч даврга бориш йўлини оча олмайди.

Қайта қуришнинг долзарб муаммолари

КПСС Марказий Комитети идеология бўлимнинг пропагандистлар группаси Ўзбекистонда турибди. Унинг составида КПСС Марказий Комитети идеология бўлими секторининг мудири, фалсафа фанлари доктори В. А. Саприкин, СССР Олий Совети Президиумининг катта референти, юридик фанлар кандидати Н. Г. Салишчева, СССР Фанлар академияси этнография институти секторининг мудири, тарих фанлари доктори С. А. Арутюновлар бор. Группа аъзолари «Қайта қуриш ва ҳозирги босқичда идеология ишининг долзарб муаммолари», «Сиёсий системани қайта қуриш», «СССРда миллатлараро муносабатлар ҳақида» деган мавзуларда лекциялар ўқишади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида давра суҳбати бўлди. Пропагандистлар группаси аъзолари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг масъул ходимлари, Тошкент области ва Тошкент шаҳри партия ходимлари, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, олимлар, комсомол ва касаба союз органларининг вакиллари билан учрашдилар. Рўйрост, ишчанлик вазиятида қайта қуришнинг долзарб муаммолари ҳақида ошкора мулоқот бўлди, партия комитетлари ва партия ташкилотлари идеология ишини яхшилаш, ҳозирги босқичда оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш билан боғлиқ бўлган ўткир масалалар кўтарилди. Сайловолди кампаниясининг боришига, «СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги СССР Қонунининг қоидаларига алоҳида эътибор берилди. Йиғилганларнинг кўпдан-кўп саволларига, шу жумладан мамлакатда ва регионда миллатлараро муносабатларга таллуқли саволларга батафсил жавоблар берилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлимининг мудири Ш. С. Зиёмов қатнашдилар.

Группа аъзолари республиканинг кўпчилик областларига борадилар, меҳнат коллективларида бўладилар, партия ходимлари, идеология активлари билан учрашадилар.

(ЎзТАГ).

Тошкент область партия комитетида

Илгари хабар берилганидек, Тошкент область партия комитети «1989 йилда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш бўйича область партия органлари, халқ депутатлари Советлари агросаноат комитетининг ташкилотчилик, сиёсий ишлари тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Қарорда таъкидланганидек, область партия, совет, хўжалик органлари, агросаноат комплекси корхоналари КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларини амалга ошира бориб, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бўйича маълум ишларни қилдилар. Ўтган уч йил давомида мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми кенгайди, уларни қайта ишлаш саноатига етказиб бериш кўпайди. Давлат, кооператив савдо тармоқлари, колхоз ва совхозларнинг фирма магазинлари орқали мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш ҳажми ўсди.

Шу билан бирга регионда ҳар бир киши бошига гўшт, сут ва мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажми кейинги уч йил давомида қариб ўзгармади. Область партия комитети партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет, ташкилотлари ва партия ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашга, маҳсулотни саралаш, қайта ишлаш ва сақлаш пунктлари қурилишига эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Оқибатда етиштирилган маҳсулотнинг қарийб учдан бир қисми нобуд бўлиб кетаяпти, сифати пасайяпти.

Область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари, область Совети ижроия комитети, область агросаноат комитети ва уларнинг жойлардаги органларида ишлаётган раҳбар коммунистлар фаолиятида мунтазамлик, янги иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш ва жорий этишда изчиллик йўқлиги, коллектив, оила ва ижара пудрати суст жорий этилаётганлиги учун ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда агросаноат комплекси жиддий қолоқликка йўл қўймоқда. Шахсий ва ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга, кооператив ва картошка, қарийб 60 минг тонна мева ва узум, 3,6 минг тонна мол ва парранда гўшти, 6,8 минг тонна сут кам етказиб берилди.

Шаҳар, район партия комитетлари колхозлар, совхозлар, тайёрлов ва савдо ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашга, маҳсулотни саралаш, қайта ишлаш ва сақлаш пунктлари қурилишига эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Оқибатда етиштирилган маҳсулотнинг қарийб учдан бир қисми нобуд бўлиб кетаяпти, сифати пасайяпти.

Вақт гўё бракчиларга таъсир қила олмайдигандек кўринади. Бундан бир йил муқаддам Оржоникидзе ремонт ишлаб чиқариш корхонасида ремонтнинг сифатсизлиги ҳақида ёзилган, техника билан яхши жиҳозланмаганлик бунинг асосий сабаби эканлиги айтиб ўтилган эди. Аммо камчиликларни тугатиш тўғрисида бу ерда жон куйдиришмади. Ҳатто корхонанинг пойтахтга яқинлиги ҳам уни техника билан қайта жиҳозлашга ёрдам бермади. Буюртмачиларга ҳамон брак маҳсулот етказиб берилмоқда. Бу ерда «ремонт» қилинган асинҳрон электр моторлар текшириб кўрилганда уларнинг бирортаси ҳам нормал ишлашга яроқли эмаслиги аниқланди. Ремонт қилиш учун олиб келинган моторларнинг қисмлари очиқ жойда сақланмоқда. Уларни сақлайдиган бошқа жой йўқ. Мотор қисмларини тозалашга ҳам имконият йўқ, ювиш машинаси ишламайди. Хўжалик ҳисоби шароитида корхона деярли 10 минг сўм жарима тўлашни афзал кўраётганлигини тушиниш қийин.

Тошкент областидаги Далварзин ремонт заводи бундан ҳам бадавлатга ўхшайди, чунки у салкам 30 минг сўм жарима тўлади.

Ўтган йили ремонтчилар меҳнати сифатини рағбатлантиришнинг иқтисодий воситалари ишга солинмаганлиги ҳақида гапирилган эди. Лекин бу воситалардан ҳали ҳам фойдаланилмаяпти.

Текширувчиларнинг фикрича, Ўзбекистон ССР давлат агросаноат комитетининг ремонт корхоналари эҳтиёт қисмлар ва деталлар билан, асбоблар ва синаш стендлари билан жуда ёмон таъминланмоқда. Уларни сотиб олишга берилган буюртмалар йил сайин эътиборсиз қолмоқда. 1987 йилдаёқ текшириш натижаларига кўра, Оҳангарон ремонт-ишлаб чиқариш корхонасининг дон комбайнларини ремонт қилиш билан шуғулланиши таъқиқлаб қўйилган ва машина узелларини синаб кўриш учун етишмаётган стендлар ва мосламаларни ўрнатиш таклиф қилинган эди. Лекин комбайнларни сифатли капитал ремонт қилиш учун ҳозир ҳам шароит яратилмаган. Корхонанинг кўп марта берган аризалари агросаноат кабинетларида ва «Агропромремонт» республика илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида оқибатсиз қолиб кетмоқда.

Давлат назорати ходимларининг бу эътирозини биз Ўзбекистон ССР давлат агросаноат комитети техника ремонти бўлими бошлиғи С. Лапушнерга топширдик.

— Муаммо ҳозирча ҳал қилинмай қолмоқда, деб изоҳ берди ў.— Бизга мамлакатдаги юзлаб заводлар эҳтиёт қисмлар етказиб берадилар, улар кўпинча ўз ишларидаги қийинчиликларни деш қилиб, маҳсулот етказиб бериш ҳажми ва муддатни бузмоқдалар. Шу сабабли ремонтчилар, масалан, иш муддати тугаган подшипниклардан фойдаланишга мажбур бўлмоқдалар.

Область агросаноат комитетлари эҳтиёт қисмларни етказиб берувчилар билан бевосита алоқа ўрнатишлари кўзда тутилган эди...

— Йўқ, улар ҳали бу системага ўтганлари йўқ.

— юз берган аҳволдан қандай чиқиш мумкин?

— Ҳозирча бунинг иложи йўқ. Олдингидек министрликлар ва идоралар, заводлар билан «жанг» қилаяпмиз...

Шундай бўлса ҳам хўжалик ҳисоби муносабатлари, маҳсулот етказиб берувчиларга таъсир ўтказишнинг иқтисодий омиллари боши берк кўчадан чиқиб олишга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Бундай муносабатлар ремонт сифатини яхшилашга ҳам ёрдам беради. Ремонтчиларни ҳам иқтисодий рағбатлантиришни маҳсулот сифатига боғлиқ қилиб қўйиш керак. Бу масалани қандай ҳал қилиш республика Давлат агросаноат комитети ҳамда «Агропромремонт» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларига ҳавола. Балки техникани тиклаш учун узил-кесил ҳақ тўлаш ремонтнинг гарантия муддати тугагандан сўнг амалга оширилар? Ремонтчилар масъулиятини ошириш учун балки бошқа воситалардан фойдаланиш керакдир? Ана шунда кўп сонли текширишларга ҳам ҳожат қолмайди. Техникани ремонт қилишни эса техника ва моддий жиҳатдан яхши жиҳозланган ҳар қандай корхонага ишониб топшириш мумкин бўлади.

Б. ТОЛИПОВ,
Ўзбекистон стандартлаштириш ва метрология марказининг давлат инспектори.

Г. КОВАЛЬ,
ЎзТАГ мухбири.

• *Агросаноат ва қайта қуриш* •

БУ саволга яқинда давлат назорати ходимлари бориб кўрган ремонт — ишлаб чиқариш корхоналари ва ремонт заводларига ишониб бўлмайди, деб дарҳол жавоб қайтариш мумкин. Давлат назорати ходимлари жумладан, қайта тикланган қишлоқ хўжалик техникаси сифатини текширишни мақсад қилиб қўйган эдилар.

Хулосалар аҳволни яққол кўрсатиб турибди: «барча маҳсулотни реализация қилиш таъқиқланди», «иқтисодий жазо чоралари кўрилди», «мутахассисларга жарима солинди» ва ҳоказолар. Текширилган корхоналарнинг асосий кўпчилигида стандарт талаблари бузилаётганлиги аниқланди.

Ремонтни кимга ишониш керак?

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясида

ҲАЁТ ТИКЛАНМОҚДА

16 январь куни Арманистонга, яқинда табиий офат юз берган зонага КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг зилзила оқибатларини тугатиш комиссиясига бошчилик қилаётган Н. И. Рижков, комиссия аъзолари Н. Н. Слюньков, Д. Т. Язов, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Л. А. Воронин келдилар. Ленинакан аэропортида уларни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг аъзолари: Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Ю. П. Баталин кутиб олдилар.

Фожиадан сўнг 40 кундан кўпроқ вақт ўтди. Лекин ана шу даврда қутқариш ва тиклаш ишлари бир кун ҳам тўхтагани йўқ. Фалокат юз берган зонага бутун мамлакат кўрсатаётган ёрдам оқими ҳам бир кун тўхтагани йўқ. Ана шу кунларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг комиссияси ҳам иш олиб борди. Бугун комиссия яна табиий офат марказига келди.

Ҳам туб аҳоли, ҳам барча иттифоқдош республикалардан келган минг-минглаб кишиларнинг оғир турмушини совуқ янада қийинлаштирмоқда. Аммо шаҳарда тикланиш аломатлари кун сайин кўпроқ кўзга ташланмоқда. Биринчи уйга пойдевор қўйилгани ҳақида хабар қилувчи лавҳа, палата кинотеатрида дастлабки киносеанс ҳақидаги эълон, магазинга болалар аравачаси дастлабки туркуми келтирилгани ана шундан далолат бермоқда. Ҳаёт тикланаяпти...

Комиссия аъзолари дастлаб Ленинакан болалар касалхонаси ёнида тўхтадилар. Вайроналар орасида бутун қолган бу иморатни маҳаллий аҳоли мўъжиза деб ҳисобламоқда. Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, Д. Т. Язов касалхона бўлимини кўздан кечирдилар, врачлар билан суҳбатлашдилар. Бош врач янгилик билан хурсанд қилди — туғруқхона бўлимида фалокатдан кейинги кунларда 78 чақалоқ дунёга келди. Палаталардан уларнинг жарангдор овози эшитилиб турибди. Шаҳарда стационар биноларда бешта поликлиника, иситиладиган палаталарда эса иккита поликлиника очилди. Қурувчилар «Россия», «Қозоғистон», «Арманистон» деб аталган учта медицина поезди учун темир йўл шахобчаси қуришга шошилмоқдалар. СССР Соғлиқни сақлаш министри Е. И. Чазовнинг айтишича, дастлабки вақтда шу поликлиникаларнинг ўзи етарли бўлади.

Шаҳардан 8 миллион тонна вайрон бўлган қурилиш конструкцияларини ташиб кетиш керак. Лекин улар ахлатхоналарга олиб бориб ташланмайди, махсус ажратилган жойга тўпланади, бу ерда улардан яна фойдаланилади, қурилиш материалларига айлантирилади. Комиссия аъзолари шаҳар четида жойлашган ана шундай дастлабки улкан цехни кўздан кечирдилар. Машиналар комплексини бошқараётган операторлар улкан темир-бетон тўсинларни майдалаб, металл арматурани бир томонга ва шаҳар турмушини нормаллаштиришнинг кўпгина хизматлари иши қайд этилди. Биринчи навбатда болали аёллар уй-жой билан таъминланиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Бу ерга йиғма уйлар, вагончалар келтиришни тезлатиш лозим. Бир қанча раҳбарларнинг эътибори нафақа бериш, иссиқ кийимларни тақсимлаш қонқарсиз ташкил этилганига қаратилди. Адолат қатъий қонун бўлиши керак. Муҳтожларнинг ҳаммасига ёрдам етиб бориши лозим. Ундан фойдаланиб қолишга ҳаракат қиладиган ҳар қандай кишини қаттиқ жазо кутади.

Комиссия аъзолари кунинг иккинчи ярмида Спитакка жўнаб кетдилар. Ер қобиғининг икки ёриғи кесишган жойга тўғри келган бу шаҳарни қўчириш лозим. Шаҳар бошқа жойда янгидан қурилади. Ҳозирча эса Спитак палаткаларда яшамоқда. Тобора кўпроқ одамлар меҳнат коллективларига бирлашаяпти. Эрта тонгда шаҳардаги қурилиш техникасининг гуруллашида янги товуш пайдо бўлди. Маҳаллий тикувчилик бирлашмасининг цехи ишлай бошлади. Комиссия аъзолари ишчи аёллар билан суҳбатлашдилар. Бу ерда ҳозирча 50 киши ишлаяпти. Улар кўрпа-ёстиқ жилдлари тикишмоқда. Бир вақтлар республикадаги энг катта бирлашманинг қолган 600 ишчиси асосий ишлаб чиқариш цехларини тиклаш билан банд. Тикувчилардан бири Лена Геворкян бутун мамлакатнинг ғамхўрлиги бошига қулфат тушган кишиларнинг қалбига қандай ҳарорат ва умид бағишлаётгани ҳақида гапирди.

Комиссия аъзолари Спитакдаги бошқа объектларда бўлдилар, нон маҳсулотлари комбинати цехларини тозалаш ишлари билан танишдилар, шаҳар штаби раҳбарлари билан амалий кенгаш ўтказдилар. Шу куннинг ўзидаёқ Кировакан аҳолиси билан учрашув ва суҳбатлар бўлиб ўтди.

Н. И. Рижков ва комиссия аъзолари Украина бинокорлари барпо этаётган дастлабки уй пойдеворига бетон ётқизишда иштирок этдилар. Пойдеворга авлодларга аталган хат жойланди. Рус, украин ва арман тилида ёзилган бу ҳужжатнинг тексти СССР халқлари қардошларча иттифоқини мустаҳкамлаш ғояси билан йўғрилган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясининг аъзолари кечқурун Ереванга қайтиб келиб, архитекторлар уйида зилзиладан шикастланган шаҳарлар ва қишлоқларни тиклаш лойиҳалари билан танишдилар.

17 январда Ереванда республика партия-хўжалик активларининг йиғилиши бўлади, йиғилишда зилзила оқибатларини тугатиш ишлари қандай бораётганлиги ва шу билан боғлиқ долзарб вазифалар муҳокама қилинади.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 10 январда бўлиб ўтган Пленуми материаллари алоҳида китобча қилиб чиқарилди. Унга Пленум тўғрисидаги информацион билдириш, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Пленумда қилган доклади, КПСС Марказий Комитетининг «Партияга, совет халқига» Мурожаатномаси, Пленумнинг «Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори киритилган.

Китобча сиёсий адабиёт нашриётида чиқарилди.

(ТАСС).

200 МИНГ ДОНА ҚУШИМЧА

АНГРЕН сопол буюмлари комбинатида бинонинг олд томонини безашда ишлатиладиган плиткалар ишлаб чиқарувчи конвейер линияси лойиҳадаги қувватга етди. Конвейернинг узунлиги 186 метр. Бу ерда ҳар йили 200 минг квадрат метр камёб материал тайёрланади.

Лойиҳачилар корхона инженерлари билан ҳамкорликда конвейер линияси конструкциясига бир қатор ўзгаришлар киритишди. Энди бу линия бутун технология туркумини: хом ашёни қолиплаш, қуритиш, пишириш, уни сирлаш ишларини бажариши мумкин.

Ангрен сопол буюмлари комбинати бу йил истеъмолчиларга жами 2,5 миллион квадрат метрдан кўпроқ турли плиткалар етказиб беради. Бу плиткалардан қурилишда кейг фойдаланилади.

✦ БУСТОНЛИҚ районн қишлоқ ва посёлкаларида аҳолини рўйхатга олиш давом этяапти. СУРАТДА: аҳолини рўйхатга олиш бўйнча 13-бўлим инструкторн К. Бимурзаева (чапдан ўнгга), ҳисобчн Н. Ашурова, бўлим мудири ўринбосари Л. Чернова, бўлим мудири У. Бухорбековлар навбатдагн иш кунинн бошлаш олдидан ўзаро маслаҳатлашмоқдалар.

В. Портнов фотоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

(Боши 1-бетда).

ҳамкор корхоналар ишини яхшилашга, қишлоқларни социал жиҳатдан ривожлантиришга зарур даражада эътибор берилмаяпти.

Область партия комитети қарор қилади:

XXIII область партия конференцияси қарорларини бажара бориб, мева-сабзавотчилик, чорвачиликни янада ривожлантириш, савдо, маҳсулотни қайта ишлаш ва сақлаш ишларини такомиллаштириш асосида 1989 йилда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш область партия комитети, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг бош вазифаси деб ҳисоблансин. Бутун ташкилотчилик, сиёсий ва идеология ишлари шу муҳим вазифани бажаришга қаратилсин.

Область Совети ижроия комитети, область агросаноат комитети раҳбар коммунистлари аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлароқ таъминлаш учун агросаноат комплекси тармоқларини интенсивлашда туб бурилиш ясашни таъминлашлари керак. Мавжуд имкониятлар ерлардан оқилона фойдаланишга, озиқ-овқат ва озуқа маҳсулотлари экиладиган майдонларни кенгайтиришга қаратилсин. 1989 йилда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш юзасидан область Совети ижроия комитети ва область агросаноат комитети ишлаб чиққан тадбирлар маъқуллансин.

Шаҳар, район партия комитетлари зиммасига 1989 йил учун XXIII область партия конференцияси талабларига жавоб берувчи Озиқ-овқат программасини 10 кун давомида ишлаб чиқиш ва таҳрир қилишда шаҳар, район Советлари ижроия комитетларига амалий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклансин.

Коммунистлар, область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосарлари О. Г. Айдаков, Н. И. Гусаков, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Э. А. Ризаев зиммасига шаҳар районлари аҳолисини сабзавот, картошка, мева ва узум билан мунтазам таъминлаш мақсадида шу районларни мева-сабзавот етиштирувчи районлар ва хўжаликларга бириктириш вазифасини бир ойлик муддат ичида ҳал этиш, маҳсулотларни сақлаш, ташиш, қайта ишлаш, сотиш, зарур объектларни қуриш ва реконструкция қилиш масалаларида ўзаро бир қарорга келиш вазифаси юклатилсин.

Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳар партия комитетларига О. Г. Айдаков, Н. И. Гусаков билан биргаликда 1 февралгача ён-атрофдаги хўжаликларни мазкур шаҳарлар аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари ва картошка билан мустақил равишда тўла таъминлаш мақсадида бириктириб қўйиш, кейинчалик шаҳар агросаноат комплексини тузиш топширилсин.

Область агросаноат комитети ва унинг жойлардаги бўлинмалари структураси қайта кўриб чиқилсин. О. Г. Айдаков, Н. И. Гусаковга бу ишни бажаришда маҳсулот ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишда ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш, маҳсулот етиштиришдан то уни реализация қилишгача бўлган барча босқичларда онлавий ва ижара пудратини кенг жорий этиш топширилсин.

Область партия комитети бюро аъзоси, область партия комитетининг секретари С. Д. Сайдалиев, область партия комитети бюро аъзолигига кандидат А. И. Севастьянов, область партия ташкилоти ревизия комиссияси аъзоси Р. Н. Нурматов ўртоқларга бир ой ичида қайси идораларга бириктирилгандан қатъий назар барча ерлардан қандай самара билан фойдаланилаётганлигини кўриб чиқиш ва кам самарали ёрдамчи хўжаликлар базасида агросаноат комитети билан ҳамкорликда улардан фойдаланиш кўзда тутилсин.

Область суғориш-ишлаб чиқариш системаси бошқармаси раҳбари, коммунист М. Т. Турсуновга сув хўжалиги қурилиш ташкилотлари, Оҳангарон ва Пискент район ижроия комитетлари билан ҳамкорликда бутун куч ва маблағни Паркент ва Оҳангарон каналлари зонасида янги ерларни ўзлаштиришга сафарбар этиш, янги ўзлаштирилган ерларни озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга ажратиш, эски суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишларни кучайтириш топширилсин.

Н. И. Гусаковга теплица хўжаликлари консорциумини ва унинг ижро органини тузиш масаласини бир ой ичида ҳал этиш, марказлашган усулда моддий-техника таъминотини, ускуналар ремонтини, теплицалар реконструкциясини, меҳнатни ташкил этишнинг ижара усулини жорий этишни йўлга қўйиш вазифалари юклансин.

Тошкент шаҳар партия комитетининг корхоналар кучи билан колхоз ва совхозларда ўзаро манфаатли шартномалар асосида 119 гектар теплица хўжалигини реконструкция қилиш ва қуриш бўйича ташаббуси маъқуллансин, шаҳар корхоналари кучи ва маблағи ҳисобига омборхоналар қуриш тажрибаси кенг ёйилсин.

Ўз ишлаб чиқариши ҳисобига аҳолини картошка билан таъминлашни тубдан яхшилаш программасини амалга ошириш мақсадида область партия комитети аъзоси Э. Л. Жаваковга сабзавотчилик ва картошкачилик илмий-текшириш институти директори А. И. Нуриддинов билан биргаликда картошка уруғчилиги ва уни етиштиришни қўпайтириш юзасидан зарур чоралар ишлаб чиқиш топширилсин.

Район ва шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари мамлакатнинг бошқа регионларида кам деганда бир минг гектар ерда картошка етиштиришни ташкил этиш ишларига бошчилик қилсинлар.

Боғ ва узумзорларни қайта тиклашни тезлаштириш мақсадида коммунист раҳбарлардан Шредер номли илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори М. М. Мирзаев ва Р. Н. Нурматовга фан ютуқлари, «Огонёк» ва «Қибрай» совхозлари тажрибаси асосида кам ҳосилли боғ ва узумзорларни реконструкция қилиш ва интенсивлаш программасини ишлаб чиқиш топширилсин, пахтачилик районларида ихтисослашган совхозлар тузиш юзасидан таклифлар тақдим этилсин.

Агросаноат комплекси партия комитетлари ва бошланғич ташкилотлари эътибори майдонларни кенгайтириш ҳисобига маккажўхори дони етиштиришни кўпайтириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, чет эл ва мамлакатимизда тўпланган тажрибаларни жорий этиш асосида ҳосилдорликни ошириш, ижара пудратини кенгайтириш, Н. И Гусаковга эса давлатга маккажўхори дони топшириш планини камайтириш масаласини ҳал этиш топширилсин. Коммунистлардан Л. П. Тернович, А. Н. Киреев бир ой ичида қорамоллар, чўчқа ва паррандалар боқиладиган янги саноат комплексларини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш масаласини ҳал этсинлар.

1989 йил учун капитал қурилиш планида қишлоқда Озиқ-овқат программасини бажариш билан боғлиқ кўшимча объектлар қуриш учун пудрат ишлари резерв лимити ҳисобга олинсин.

Пахтакор районларда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида қорамоллар зичлиги ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 1,5—2 марта оширилсин. Н. И. Гусаков, А. И. Севастьяновга 1 мартгача чорвачилик фермаларини кўриб чиқиш, фойдаланилмаётган ёки етишмаётган молхоналарни аниқлаш, уларни моллар билан тўлдириш юзасидан тадбирлар кўриш ва бўшаган ерларни чорва учун озуқа экинлари етиштиришга топшириш вазифалари юклатилсин.

Район, шаҳар партия комитетлари балиқ етиштиришни кескин кўпайтиришда колхоз ва совхоз раҳбарларига нисбатан талабчанликни оширсинлар. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришга зарур даражада эътибор берилмаётганлиги, мавжуд ер ва чорва моллари юзасидан аниқ маълумотнинг йўқлиги учун коммунистлардан область Совети ижроия комитети секретари А. М. Мансуров, область статистика бошқармаси бошлиғи Б. Н. Неъматов, область халқ контроли комитети раиси А. И. Севастьянов ўртоқларга район ижроия комитетлари, посёлка ва қишлоқ Советлари билан ҳамкорликда икки ой ичида шахсий ёрдамчи хўжаликларини тўла инвентаризациядан ўтказиш ва уларни янада ривожлантириш ҳамда Озиқ-овқат программасини ҳал этишда қўшадиган ҳиссаларини ошириш бўйича таклифлар киритиш топширилди.

Область матлубот жамиятининг бу йил озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,5 маротаба кўпайтириш юзасидан тадбирлари маъқуллансин.

Область агросаноат комитети раиси Н. И. Гусаков, область матлубот жамияти правлениеси раиси У. М. Мираипов ўртоқларга маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш бўйича мамлакат ва чет эл ташкилотлари билан ҳамкорликда корхоналар яратиш масаласини 1 февралгача ҳал этиш вазифаси топширилсин.

Партия комитетлари, Озиқ-овқат программасини ҳал этишда касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари активлигини яна ҳам оширишлари керак.

Область партия комитети секретари Э. И. Фозиловга, «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари, область радиоси ва телевиденнеси коммунист редакторларига Озиқ-овқат программасининг барча йўналишлари бўйича жамоатчилик фикрини кенг ёритиш, камчиликларга қарши кескин кураш олиб бориш ва коллективлар ва аҳолида меҳнаткашлар тўплаган илғор тажрибаларни оператив тарзда пропаганда қилиб бориш, белгиланган программани бажариш устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш вазифалари топширилсин.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни тубдан яхшилаш бўйича белгиланган программани амалга оширишда халқ депутатлари область Совети доимий комиссияларининг роли оширилсин.

Мазкур қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиб бориш область партия комитети секретари С. Д. Сайдалиевга, жойларда эса шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари зиммасига юклатилсин.

• *Хўжалик ҳисобига кенг йўл*

ДАДИЛ ОДИМ

Янги, 1989 йил корхоналар, муассасалар олдига ўзининг долзарб вазифалари билан кириб келди. Бу йилги энг муҳим иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлардан бири мамлакатимизнинг барча корхоналари тўла хўжалик ҳисобига ўтиши ва ўз-ўзини моддий жиҳатдан таъминлаш методида иш бошлашидир.

Бизнинг Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмамиз якунланган йилни муваффақиятли натижалар билан тугатди. Хўжалик ҳисоби бу ердаги иш процессини батамом қайта қуриш ва бугунги кун талаблари асосида ишлаш имконини яратяпти. Коллективимиз тикувчилари маҳсулот реализацияси планини юз фоиз адо этдилар. Якунланган йилдаги самарали натижалар ишчиларнинг ўз вазифасига масъулияти ошганлиги ва якуний иш натижаларидан манфаатдорлигини кўрсатяпти.

Бирлашманинг «Янгилик» индекси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларига харидорларнинг талаби кундан-кунга ўсиб боряпти. Модельерлар яратган энг замонавий, асосан ёшларбоп кийимларга мана шу индекс берилган. Хўжалик ҳисоби бирлашмамиз олдига ички имкониятлардан тўла фойдаланиш вазифасини қўяяпти. Шунга асосан, биз йил давомида барча ассортиментларнинг 70—80 процентини янгилаб бориш, уларни мавсумбоп қилиб тикишга алоҳида эътибор берамиз.

Болалар учун кийим-кечаклар тикишни кўпайтириш ва уларнинг юксак сифатини таъминлашга ҳам муҳим вазифалардан бири деб қараляпти. Ўтган йили «Янгилик» индекси бўйича 117,6, шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича 138,7 процент натижага эришганлигимиз ва 1467 минг дона болалар ассортиментини ишлаб чиқарганимиз бизнинг дастлабки дадил одимларимиз бўлди.

1, 3-, 4-цех ишчиларнинг социалистик мусобақада пешқадамликка эришаётганлиги умумий ютуқка муносиб ҳисса бўлиб қўшилляпти. Янги шаронт талаблари даражасида ишлаётган М. Жўрабоева, Н. Зоҳидова, Д. Пўлатова, О. Раҳматова, К. Дадамуҳамедова, Б. Усатова сингари тўқувчиларимиз ҳозирданоқ беш йиллик пландарини бажариб бўлдилар. Бирлашмамизнинг барча ишчилари ҳам бугун нафақат вақтдан ўзиб ишлашга, балки фақатгина аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ва харидорлар таҳсинини олишга интиляптилар. Бугунги кунда ишнинг бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки хўжалик ҳисоби ишчилардан катта масъулият ва ташаббускорликни талаб этади!

Б. САИДОВ,
Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретари.

ЎН ТЎРТ КОМИССАРНИНГ БИРИ

1919 йилнинг 18 январидан 19 январига ўтар кечаси Тошкентда, Ўқчилар кўчасидаги шундоқ қина казарма девори ёнида ўн тўрт туркистонлик комиссарни оқ гвардиячи исёнчилар отиб ўлдирдилар. Улар орасида толмас большевик М. Н. Троицкий ҳам бор эди.

«У ўлимга қаддини букмасдан, тик боқиб борди. Йиқилишдан олдин бир қадам олга ташлаб, революцияга содиқ жангчи сифатида жон берди». Сафдошлари шундай гувоҳлик берган бу инсон Россиядаги учта революция ва гражданлар урушининг актив иштирокчиси, «Туркистон коммунисти» ва «Красноармеец» газеталарининг муҳаррири Михаил Николаевич Троицкий эди. У 1903 йилдан бери большевиклар партияси аъзоси ва меҳнаткашларнинг озодлиги учун курашиб келаётган оташқалб революционерлар авлодининг вакили эди.

Мамлакатда муваққат ҳукуматга қарши оммавий норозилик кучайиб бораётган 1917 йил октябрида Руминия фронтида жанг қилаётган М. Н. Троицкий Таъсис мажлисини чақириш масаласига бағишланган фронт солдатларининг съездига делегат бўлиб қатнашди. Съездда бир овоздан фронт революцион комитети аъзолигига сайланган М. Н. Троицкий солдатларни муваққат ҳукуматни ағдариб ташлашга даъват қилганди.

Чоржўй коммунистлари 1918 йил июнь ойида М. Н. Троицкийни Тошкентда чақирилган Туркистон Компартиясининг I таъсис съездига делегат қилиб сайлашди. Съездда у маҳаллий ташкилотлар аҳволи тўғрисида қўшимча доклад қилди.

Съезд М. Н. Троицкийни Туркистон Компартиясининг органи бўлган «Туркистон коммунисти» газетаси муҳаррирлигига ва Марказий Комитет аъзолигига сайлайди. Унинг партия ғояларини юксак савияда тарғиб қилишга ўлка коммунистлари юксак баҳо бердилар.

Партиянинг жанговар аъзоси М. Н. Троицкий Туркистонда ва бутун мамлакатда юз бераётган ички ва ташқи воқеаларга ҳозиржавоблик билан ўз фикрларини билдирар, шу йўл билан партиянинг мақсад ва вазифаларини меҳнаткашларга тушунтирарди. Революция ғалабасига ишонч, келажакка интилиш, халққа хизмат қилиш ўтўрак жангчига тиним бермас эди. Коммунистлар анжумани тугаши билан 1918 йил июлида Касаба союзларнинг I Ўлка съезди иш бошлади. М. Н. Троицкий дарҳол касаба союзлари ишини ташкил қилишга киришди, съездда актив иштирок этди.

Съездда мунозарага сабаб бўлган масала «Ўқитувчилар съезди вакилининг мандатини тасдиқлаш» бўлди. М. Н. Троицкий большевиклар фракцияси номидан мандатни тасдиқламасликни таклиф қилди ва кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Съезд Марказий Совет Президиумининг раиси қилиб М. Н. Троицкийни сайлади.

М. Н. Троицкий Касаба союзларнинг Марказий Совети Президиуми раиси сифатида ҳам актив иш олиб бориб, маҳаллий ташкилотлар билан мунтазам алоқада бўлади. Съезддан сўнг «Наша газета» (1918 йил 6 июль) М. Троицкий имзоси билан касаба союзларга мурожаатнома эълон қилди.

• *Тарих саҳифаларини варақлаганда*

Туркистон Марказий Ижроия Комитети (МИК) қошидаги Ҳарбий кенгашнинг қарорига биноан 1918 йил 25 ноябрдан 4 декабргача Қизил Армия ва Қизил гвардиячиларнинг I съезди бўлиб ўтди. Бу съездда иштирок этган М. Троицкий «Красноармеец» газетаси тўғрисида гапириб, «ҳозирги шароитда ҳафтада икки марта чиқаётган газетага катта талаб қўйиш тўғри бўлмас, газета сони кўпайтирилсагина у армия талабини қондира оладиган бўлади» деди, Сўнг, газета саҳифаларида рус тилидаги текстлар билан биргаликда маҳаллий тилларда ҳам материаллар беришни таклиф қилди. Бу масалани муҳокама қилган съезд, «Газетани ҳар куни чиқариш, фақат рус тилидаги текстлар билан эмас, балки мусурмонлар тилида ҳам материаллар бериш лозим», деб ҳисоблади. Буни амалга оширишни Совет ҳокимиятининг Марказий органлари билан ҳамкорликда ҳарбий комиссариатнинг маданий-маърифий бўлимига топширди.

Съезд М. Н. Троицкийни «Красноармеец» газетасининг муҳаррири қилиб сайлайди. У энди «Туркистон коммунисти» газетаси билан биргаликда бу нашрга ҳам муҳаррирлик қила бошлади, журналист сифатида катта талант эгаси эканлигини кўрсатди. Солдатлар ҳаётини яхши билиши унинг обрўсини янада оширди. Газета Туркистон қўшинларини сиёсий жиҳатдан тарбиялашда жуда катта роль ўйнади.

М. Н. Троицкий Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг топшириғи билан шаҳар ва районларга чиқиб меҳнаткашларнинг митинг ва йиғилишларини ўтказар, маҳаллий партия, касаба союз ташкилотларига большевистик ташкилотларни тузиш ва мустаҳкамлашда амалий ёрдам берар эди. Мамлакатда вайронагарчилик ва очарчилик ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда «Туркистон коммунисти» газетаси саҳифасида унинг «Ким айбдор?» деган мақоласи босилиб чиқди. Унда «Иқтисодий вайронагарчиликка қарамасдан, мақсад билан уруш бошлаганлар» айбдор эканлигини очиб берди. «Большевиклар урушнинг нимага олиб келишини билишарди, шунинг учун улар урушга қарши курашдилар» деб ёзди у.

Ишчилар синфининг курашида ташаббускорлик, ҳаракатчанлик, собитқадамлик, қатъийлик — бу жанговар большевикнинг фазилатлари эди. Бироқ 1919 йил 17—18 январидан 19 январига ўтар кечаси контрреволюционерлар кўтарган исёнда Туркистоннинг 14 та комиссари ваҳшийларча отиб ўлдирилди. Улар орасида жанговар большевик М. Н. Троицкий ҳам бор эди. Оила қуришга ҳам улгурмаган, бутун ҳаётини инсоният бахти учун бағишлаган навқирон йигит оламдан кўз юмди. Унинг жасади Тошкент марказидаги биродарлик қабристонига қўйилди. М. Н. Троицкий номи билан Ўзбекистон пойтахтидаги кўчалардан бири аталмоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳақиқий дўст, сиёсий ходим ва журналист, революциянинг жасур жангчиси, бахт ва озодлик йўлида жонини қурбон қилган, мамлакатимизда социализм ғалабаси учун курашган қаҳрамон инсон хотирасини ҳеч қачон унутмайдилар.

Э. ҚОСИМОВ,
Тошкент политехника институти ўқитувчиси.

✦ ВИКТОР Давидов Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Марказий илмий-асбобозлик лойиҳалаш конструкторлик бюросининг тажрибали пайвандчиларидан. Ўз касбини пухта эгаллаган бу ишчи ўн беш йилдан бери фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишга ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Т. Каримов фотоси.

ФАЗОГИРЛАР ФАН ХИЗМАТИДА

МАМЛАКАТИМИЗДА космонавтиканинг ривожланиши фаннинг равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Хусусан геология соҳасида катта бурилишлар юз берди. Шу тарика мутлақо янги соҳа — космогеология фани шакилланди. Дастлаб космик усул тажриба сифатида геология-қидирув ишларига татбиқ қилинди. Эндиликда у анчагина такомиллашган ва халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш базаси даражасига кўтарилган тармоққа айланди.

Эндиликда космосдан олинаётган маълумотлар электрон ҳисоблаш машиналари воситасида таҳлил қилинмоқда. Бундай мукаммал маълумотлардан фойдаланиб эски геологик хариталар қайтадан тузилди, уларга катта аниқликлар киритилди. Шу билан бирга хариталардан геологияда ҳали маълум бўлмаган янги деталлар — линеаментлар, трансконтинентал узилмалар ва доирасимон табиий қурилмалар ҳам ўрин олди.

Ўзбекистонда геологиянинг бундай янги соҳасини тараққий эттиришда республика фанлар академиясининг мухбир аъзоси О. М. Борисов жонкуярлик қилмоқда. У бошлиқ тадқиқотчилар ўлкамиз табиати, заминининг тузилиши, ерости ҳазиналарининг жойлашуви, маъданлар, нефть-газли майдонларининг истиқболли участкаларини аниқлашда самарали меҳнат қилдилар. Изланишлар туфайли Қизилқум саҳроси бағрида олтин, кумуш, мис, қалайи, вольфрам ва сурма маъданининг эътиборга молик янги майдонлари топилди. Бинобарин, космогеология амалий геологияга муносиб ҳиссасини қўшди. У туфайли назарий геология ҳам қисман кенгайди. Доирасимон структуралар ҳақидаги мулоҳазалар асосида геология фанида қизиқарли илмий йўналиш — «Портлаш тектоникаси» ўз ифодасини топди. Яъни ўлкамизда геологик даврлар мобайнида коинотдан кетма-кет келиб турли жойларга урилган катта метеоритларнинг кучли зарбаси туфайли ҳосил бўлувчи геоструктураларни ўрганувчи ўзига хос фан вужудга келди.

Доира шаклига эга бўлган бир неча иншоотларни 1974 йилда аэросъёмка усули ёрдами билан геолог С. С. Шульц Қизилқумда кашф этган эди. Космоусул туфайли топилган диаметри 25—140 километр бўлган бу қурилмалар сони ҳозирги пайтда 200 тадан ортди. Кейинчалик улар орасидан диаметри 700 километрга тенг бўлганлари ҳам аниқланди.

Заминда тарқалган турли кўринишдаги (тўғри чизиқ, эгри чизиқ, тарам-тарам, ботиқ, қабариқ, буралма, зина, супа ва ўпқон) структуралар геологияга қадимдан маълум. Аммо доирасимон шаклдагилари яқин-яқингача ҳам диққат-эътибордан четда эди. Аэросуратлар уларни унчалик аниқлай олмаган эди. Космосуратлар бу соҳадаги фанни бойитди. Мазкур шакллардан озми-кўпми фарқ қилувчи белгилари бор. Буларнинг ичида доирасимон ҳолатдагиси кенгроқ тарқалган ва мустақил таъриф ва таснифга эга.

Коинотда минглаб кемалар парвоз қилар экан, уларнинг ҳар бири турли вазифаларни бажаришга қаратилган. Космоаппаратлар учун асосан «Союз» номли кема, «Салют» орбитал станцияси, «Метеор» йўлдош системаси, «Скайлеб» станцияси ва «Ландсат» йўлдош системаси воситасида олинган материаллардан фойдаланилмоқда.

Янги топилган қурилмалар пайдо бўлиш шароитларига кўра физиоблем ва геоблемларга ажратилган. Биринчиси атмосфера қатламида юз берадиган физик ҳодисалар (магнит бўрони, қутб ёғдуси, ер ҳарорати, гравитация ва ҳ. к) билан боғлиқ ҳолда вужудга келувчи қўланка ва шарпалардир. Иккинчиси литосфера (Ернинг юқори тош қатлами, 35—40 км қалинликка эга)да кечаётган жараёнларнинг оқибати сифатида намоён бўлади. Бунга мисол қилиб доирасимон «иншоот»ларни кўрсатиш мумкин. Бундай топилма космогеологияда назарий жумбоқларни ойдинлаштиришга имкон беради.

Қ. ҚОРАБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг координация Совети илмий котиби, геология-минералогия фанлари кандидати.

МАЪДАН ИЗЛАБ

ҚУШ қанотсиз, инсон эса орзусиз яшай олмайди, дейишади. Азим Толиповни ҳам шу орзу йўлга бошлади. Унинг орзулари ёшликнинг романтик хаёлларидан йироқ эди. Ўрта Осиё политехника институтининг геология-қидирув факультетини муваф. фақиятли тамомлагач Ҳисор тоғларидаги экспедицияга ишга юборилди. Унинг тузган дастлабки геологик ҳисоботлариёқ кон қазиш ишларини самарали ташкил этишга ёрдам бериб, мутахассислар томонидан юқори баҳоланганди. Нисбатан қисқа вақт ичида қидирув ишларида тажриба орттирган ёш геолог 1961 йили республикада йирик ҳисобланган норуда маъданлар изловчи «Химгеолнеруд» экспедициясига ишга таклиф этилди. У янги коллективда қурилишбоп материаллар конларини топишда ишлади.

Тажрибали устозлар қўлида таълим олган Азим Толипов ўзининг ўттиз йиллик меҳнат фаолияти давомида мармар, листвинит, радионит ва бошқа ўнлаб шу каби қимматли тошлар конларини очди. Бу конларнинг ҳаммасида тош қазиш ишлари кенг миқёсда давом этмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида ўз билим ва тажрибаларини ёшларга ўргатиб борди, кўплаб шогирдлар етиштирди. Азим Толипов бошчилик қилаётган рангдор тошлар қидирув партияси нафақат «Тошкентгеология» бирлашмасида, балки республика геология коллективлари орасида ҳам илғорлардан ҳисобланади. Мазкур қидирув партияси олиб бораётган ишларнинг аҳамияти ҳақида «Тошкентгеология» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ғани Абдурахмонов шундай деди:

— Илгари областда иккитагина кичик мармар заводи бор эди. Биттаси Бўстонликда, иккинчиси Тошкентда, уларда ҳам Ураллардан, Украинадан келтирилган тошларга ишлов берилларди. Ҳозир эса республикамиз тош қазиб чиқариш ва улардан фойдаланиш бўйича Иттифоқда учинчи ўринни эгаллайди.

Бу қазилма бойликларни кўпайтиришда Азим Толиповнинг хизматлари катта. Шунинг учун ҳам унинг меҳнатлари муносиб баҳоланди. Бугунги кунда кўксини Халқлар Дўстлиги ордени, «Кон қидириш аълочиси» нишони безаб турибди. Коммунистик меҳнат зарбдори Азим Толипов бир қанча Фахрий ёрлиқлар ва дипломларга ҳам сазовор бўлган.

Азим Толипов раҳбарлик қилаётган қидирув партияси шу кунларда қишлоқ хўжалик экинлари учун зарур бўлган глауконит ўғити конларини излаш, таркибини ўрганиш устида иш олиб бормоқда. Мазкур ўғит пахтачиликда вилтни қуритиб, ҳосилдорликни оширишга ёрдам беради.

М. КОМИЛХЎЖАЕВА.

ИШЛАР ҲАЖМИ ОРТДИ

«ТАШКЕНТВОДСТРОЙ» қурилиш-монтаж бирлашмасига қарашли 2-кўчма механизациялашган колонна бундан икки йил илгари ҳам қолоқлар сафида юрарди. Лекин коллектив меҳнаткашлари 1987 йилдан бошлаб пудрат усулини жорий қила бошлади. У шу йилнинг ўзидаёқ яхши натижа берди. Колоннада кўп йиллардан бери биринчи марта барча кўрсаткичлар бўйича планлар уддаланди.

Куни кеча якунланган 1988 йил ҳам улар учун муваффақиятли бўлди. Коллектив ўз кучи билан планлаштирилган 600 минг сўмликдан ортиқ иш бажарди. Жўн, Шўралисой каналлари реконструкция қилинди. Шимолий Тошкент канали бетонлаштирилди. «Янгийўл» совхозида ҳам бир неча минг сўмлик тупроқ ишлари бажарилди.

Бу йилдан эса колонна тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтди. Шунинг учун ҳам коллектив аъзолари эришилган муваффақиятлар билан чегараланиб қолишмаяпти. Ҳозирги кунда ижара пудратини жорий қилиш учун тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Бунда ҳар бир объектдаги иш маъмурият билан тузилган шартнома асосида боради. Унумли ишлаш ҳисобига иқтисод қилиб қолинган пул эса ишчиларнинг ўзларига мукофот тариқасида берилади.

Бу янгилик меҳнат унумдорлигини юксак даражада оширишини коллектив ўз тажрибасидан билиб турибди. Шунинг учун ҳам колоннада 1989 йилда бош пудрат бўйича ўтган йилдагидан 1,5 баравар ортиқ — деярли олти миллион сўмлик иш бажариш планлаштирилди.

Қ. ЖУМАҚУЛОВ.

• ЧОРВА ҚИШЛОВИ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА? •

ЎТГАН йили матбуотда 1987—1988 йил чорва қишлови якуни бўйича республика мусобақаси ғолиблари эълон қилинган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган ташкилотлар, корхоналар ва хўжаликлар орасида Паркент районидаги «Коммунизм» совхози ҳам бор эди.

ҲАЛИ ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАР КЎП

БУ ХЎЖАЛИК қандай муваффақиятлар учун мана шундай юксак мукофотга сазовор бўлди? Қуйида ана шу ҳақда ҳикоя қилинади.

Агар даб-дурустдан рақамларга назар ташласак, совхоз чорвадорлари эришган натижалар унчалик салмоқлига ўхшамайди. Масалан, ўтган йили «Коммунизм» совхозида ҳар бош соғин сигирдан 2919 килограммдан сут соғиб олинди. Давлатга гўшт сотиш плани бажарилди. Кўриниб турибдики, кўрсаткичлар деярли ҳамма колхоз ва совхозлар қатори. Лекин хўжаликда ҳар бош сигирдан сут соғиб олиш плани 2540 килограмм эканлигини, гўшт тошириш 10 ойдаёқ адо этилганлигини ҳисобга олсак, сезиларли ўсиш бўлган, шундай эмасми?

Айниқса, 1987—1988 йил қишловидаги натижаларни ўтган йилларга нисбатан солиштирсак, чорвачиликдаги юксалиш яққол кўзга ташланади. Жумладан, сут етиштириш 8 процент ўрнига 25 процент кўпайди. Ҳар бош сигирдан 1986—1987 йил қишловига нисбатан 200 килограмм кўп маҳсулот олинди. Гўшт етиштириш 18 процент ўсди. Энг муҳими бу даврда совхозда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда катта тежамкорликка эришилди. 1 центнер сут олиш учун илгари салкам 21 сўм сарфланган бўлса, 1987 йилда 17 сўм кетди. Гўштнинг таннархи 283 сўмдан 259 сўмга туширилди. Давлатга сотилган сутнинг 98 проценти 1 сортга қабул қилинди. 93 процент қорамол юқори семизликда гўштга топширилди. Меҳнаткашларнинг ўртача ойлик маошлари 153 сўмдан 171 сўмга кўтарилди. Буларнинг ҳаммаси сўнгги бир йилда амалга оширилган ишлар. Очиғи айрим манаман деган хўжаликлар ҳам бундай кескин юксалишга эришиши қийин.

— Сўнгги йилларда чорвачиликдаги ишларни таҳлил қилиб шундай хулосага келдик,— дейди бош зоотехник Тўлқин Турдибоев. — Совхозимизда бу зарбдор тармоққа иккинчи даражали иш деб муносабатда бўлинарди. Одам сони кўпу, эришилаётган натижанинг баракаси йўқ. Ана шунда биз ишни интизомдан, чорвага эътибордан бошлаш кераклигини, кишиларнинг ўз вазифасига бўлган масъулиятини оширишга қатъий бел боғладик. Ишга сидқидилдан киришиш тезда ўзининг самарасини бера бошлади. Яхши меҳнат қилганларни моддий ва маънавий рағбатлантирдик. Ғолиблар устама мукофотлар олишди. Биласизми, ён қўшнисининг ҳар ойда мукофот олаётганлигини кўрган бошқалар ҳам кириши кетишди. Ой сайин сигирлардан сут соғиб олиш ортиб бормоқда.

Иккинчи, амалга оширилган энг муҳим ишлардан яна бири озуқа масаласи. Чорвачиликда гапни нимадан бошламанг, охири озуқага келиб тақалади, давом этди ўз сўзини бош зоотехник. Тўғри, совхозимизда илгари ҳам эҳтиёжимизга етарли хашак жамғариларди. Лекин унинг тўйимлилигига, қишда сифатли сақланишига эътибор бермас эканмиз. Натижада сарфланаётган ем-хашакдан тўлиқ самара олинмас экан. Шунинг учун мана иккинчи йилдирки, озуқа тайёрлаш ва уни сарфлашда бир қатор тадбирларни амалга ошираяпмиз.

Ҳақиқатан ҳам совхозда бу ишга биринчи даражали вазифа сифатида қаралмоқда. Жамғарилган 2 минг тонна дағал хашак, 850 тонна сенаж, 2 минг тонна силос лаборатория текширувидан ўтказилди. Шунингдек, иккі йилдирки, хўжаликда қишловга лавлаги тайёрланмоқда. 1988 йилнинг ўзидаёқ 1200 тонна лавлаги олинди. Давлатдан ажратиладиган омухта емдан ташқари ўз даласида дон экиниларидан мўл ҳосил етиштириш ҳисобига 400 тонна қўшимча дон озуқага қолдирилди.

Бу ем-хашак турлари янги қурилган озуқа цехида обдан қайта ишланиб, тўйимлилиги оширилиб, молларга тарқатилмоқда. КОРК—15 маркали озуқа цехининг ишлаши жуда оддий бўлиб, сифатли аралашма тайёрланмоқда. Махсус идишга майдаланган хашак, силос, лавлаги, омухта ем ва витаминлар солиб бўғланади, аралаштирилади. Ҳар куни 17 тонна ана шундай аралашма соғин сигирларга ва тайёрланган аралашмадан ташқари омухта ем ҳам тарқатилади. Авваллари бу ем тўғридан-тўғри охурга солинарди. Яқинда соғувчиларнинг бири шундай таклиф киритди. Бизга омухта емдан ташқари ўт уни ҳам берсангиз. Бу озуқаларни кичик-кичик идишларда ўзимиз аралаштириб, сигирларга тарқатсак. Соғувчининг бу ташаббусини мутахассислар дарҳол қўллаб-қувватлашди. Энди уларнинг ҳар бирига ўз группаси олдига махсус идиш қўйиб берилган. Бу ерга ўт уни ва омухта ем солинади. Шундай қилиб, ҳар бир сигирга аралашмадан ташқари 6 килограммдан мана шунақа янги озуқа тури ҳам берилаяпти. Ҳозирги қиш кунларида бу айниқса асқотаяпти. Сигирлар маҳсулдорлиги ёздагидан пасаймаяпти.

— Фермада амалга оширилаётган муҳим тадбирлардан яна бири моллар зотини яхшилаб бораётганлигимиздир,— дейди Т. Турдибоев. — Ҳозирнинг ўзидаёқ юқори маҳсулли сигирлардан олинган бузоқларни ажратиб алоҳида парвариш қилаяпмиз. Мана икки йилдирки, сигирлар тўлиқ сунъий усулда урчитилмоқда. Бундан ташқари бу йил наслчилик хўжаликларидан юқори маҳсулли ғунажинлар олишни режалаштирганмиз. Шундай қилиб икки-уч йилдаёқ сигирлар подасини маҳсулли ғунажинлар ҳисобига янгилаб оламиз.

Совхоз чорвадорлари 1988 йилда ҳар бош соғин сигирдан олинадиган сутни 3000 килограммга етказишдилар. Давлатга сут сотиш йиллик плани декабрь ойининг ўрталарида бажарилди. Аҳолига 550 тонна сут етказиб берилди. Гўшт сотиш плани 10 ойдаёқ адо этилди. Қабул пунктларига 70 тонна гўшт жўнатилди.

— Эришилаётган муваффақиятлар билан биргаликда бой берилаётган имкониятлар ва тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам кўп,— дейди бош зоотехник. Биринчидан, одамлар бир хил шароитда ҳар хил натижаларга эришишмоқда. Масалан, Салима Нуриддиновани олиб кўрайлик. Бу соғувчи 1988 йили қарамоғидаги сигирлар маҳсулдорлигини 4800 килограммга етказди. Зубайда Қосимбоева, Раъно Абдураҳмонова, Азиза Беговалар эса 3200 килограммдан оширишди. Совхозимиз бўйича эса бу кўрсаткич 3000 килограмм бўлди. Тафовутни қаранг. Биринчи галда ана шуни бартараф этиш керак.

Гарчанд юксалишга эришаётган бўлсак ҳам фермадаги шароит оғирлигича қолмоқда. Бинолар эски, тезлик билан янги сигирхона қуриш керак. Шунингдек, чорвадорларимизга яратилган ҳозирги шароит ҳам талабга тўлиқ жавоб бермайди. Фермада 56 киши меҳнат қилади. Уларни уйжой билан таъминлаш масаласини ҳам тезлаштиришимиз керак.

Мана, ўтган йили Орёлда агросаноат комплексини ривожлантиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Марказий Комитетнинг мамлакат агросаноат комплексидаги коммунистларга, фермаларнинг меҳнатчиларига, барча ходимларига хати эълон қилинди. Бунда чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, бу даврда маҳсулдорликни пасайтирмаслик асосий вазифа қилиб қўйилди. Шунингдек, кенгашда таъкидланганидек, чорвачиликда пудрат, айниқса, ижара пудратини ривожлантириш аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда жуда катта имкониятлардир. Ҳозирча совхозимизда бу соҳада сезиларли ишлар қилинмаяпти. Шунинг учун 1989 йилда пудратчи коллективлар тажрибасини оммалаштиришимиз керак. Хуллас, чорвачиликда ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Ҳа, «Коммунизм» совхозида зарбдор тармоқ ҳам оёққа тураяпти. Ҳозирча бу ерда дастлабки натижаларга эришилди. Ўйлаймизки, келгусида муваффақиятлар янада салмоқли бўлади.

Ф. МУҲИДДИНОВ.

✦ НАЗИРА Шодмонова Бекобод районидаги «Победа» колхозининг илғор соғувчиларидан биридир. У қарамоғидаги 25 бош соғин сигирнинг ҳар биридан ҳозирги қиш кунларида ҳам 8—9 килограммдан сут соғиб олмоқда. 1989 йилда Н. Шодмонова сигирлар маҳсулдорлигини 3 минг килограммга етказмоқчи.

М. Қорабеков фотоси.

• Шифокор маслаҳати

Олдини олиш ўзингизга боғлиқ

Шифохонада бола алахсирай бошлади. Унинг аҳволини кўрган она ўзини қаерга қўйишни билмасди. Илтижо билан докторларга қарарди. Шифокорлар эса елиб-югурганларича аланга-ю оташ ичида қийналаётган беморни оғир аҳволдан қутқариш учун курашардилар. Аммо бундай дардни дарҳол чекинтириш осон эмас. Мутахассислар боланинг анализлари натижасини кузатиб меъда-ичак касаллигига дучор бўлганлигини аниқлашди.

Маълумки, озодаликка риоя қилмаслик касаллик пайдо қилувчи микробларнинг одам организмида осон кўпайишига ва касалликка сабаб бўлади. Одатда меъдага тушган микробнинг кўпи унинг кислотали шароитида ўлади, қолганлари эса йўғон ичакка ўтади ва унинг шиллиқ қаватини жароҳатлайди. Микроблар ичак шиллиқ қавати остига ҳам ўтиб кўпаяди ва заҳар ажратади. У қонга сўрилиб организмни ҳам заҳарлайди ва беморнинг умумий аҳволи оғирлашади. Ҳасталикнинг яширин даври икки-беш кун давом этади. Баъзан эса бу муддат 20—24 соатгача қисқариши мумкин. Касалликка чалинган бемор дармонсизлик, бош оғриғи, кўнгил айнишидан арз қилади. Лекин шундай пайтлар ҳам бўладики, дард тўсатдан бошланиб қолиши мумкин. Бунда бемор қорин оғриғидан, пайлари тортишаётганлигидан шикоят қилади. Бутун организмда заҳарланиш рўй беради. Болаларда дард кучайгач, ҳушларидан кетадилар. Катталарда эса иситма аралаш алаҳсираш содир бўлади.

Ўткир меъда ичак касалликларига дучор бўлган беморга парҳез буюриш ҳақида олимлар турлича фикрдалар. Баъзилар бундай касалга камроқ овқат беришни тавсия этсалар, бошқалар эса беморга куч-қувват бўлиши учун сифатли овқат ейиши керак, деган мулоҳазадалар. Ҳақиқатан ҳам медицина тажрибаси таркибида оқсил, углеводлар, минерал моддалар ва витаминлар бўлган калорияли овқатлар беморларга мадад бўлганлигини ва уларнинг тузалишини тезлаштирганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам беморга парҳез буюришда қуйидаги тартибларга риоя этишни маслаҳат берамиз. Биринчидан, иситмалаб ётган беморнинг оч қолишига йўл қўймаслик керак. Бунинг учун иштаҳа очадиган дорилар, маҳсулотлар ёрдам беради. Лекин агар бемор ўткир меъда ичак касаллиги билан оғриган бўлса, у бир неча соат узоғи билан бир суткагача овқат емасдан фақат чой, сутсиз кофе, какао, минерал сувларни истеъмол қилиши керак. Ана шу муддат ўтгандан кейин унга кефир, қатиқ, айрон, кисель, озгина ширинлик, қотган нон бериш мумкин.

Ҳар қачонгидек меъда-ичак касаллигига учраган беморни озода, ёруғ хонада парваришлаш талаб қилинади. Бунда хонани тез-тез шамоллатиб туриш лозим.

Бундай ҳасталикнинг микроблари ниманларда учрайди, деган табиий савол туғилиши мумкин. Микроблар асосан очиқ ҳолда сақланган озиқ-овқат маҳсулотларида, уларга пашша кўнганда пайдо бўлади. Шунинг учун тайёр овқат совуқ жойда, холодильникда усти ёпиқ ҳолда сақланиши лозим. Сабзавот ва хўл меваларни сиртида юқумли меъда ичак касаллиги микроблари бўлишини унутмаслик керак. Шунинг учун ҳам биз уларни доимо водопровод суви ёки қайнатилган сувда чайиб ейишни тавсия этамиз. Албатта, оилада санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинса, хавфли касалликларнинг олдини олиш мумкин.

Ш. БЕКМИРЗАЕВ,
область санитария маорифи уйи врачи.

Т. РАҲМОНОВ,
Тошкент Давлат медицина институти социал-гигиена кафедрасининг ассистенти.

ЭЛ ЭҲТИЁЖИ—БОШ МЕЗОН

• Озиқ-овқат программаси бўғинлари

ТОШКЕНТДАГИ 4-дон комбинати асосан гуруч ва омухта ем ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Икки жойдаги цехларнинг барчаси комбинат тасарруфига жамланган, қолоқ участкалар яққол кўзга ташланиб қолди. 1-гуруч цехи лойиҳа қувватига кўра бир кеча-кундузда 360 тонна, 2-цех эса 320 тоннадан зиёд шолини оқлаши зарур. Иккинчи цехда техник-иқтисодий кўрсаткичлар кўнгилдагидек эди. 1-гуруч ва аралаш озуқа цехларида эса технологик маром етарли эмасди. Чунки машина-механизмлар, ускуналар эскирган, иш унуми пасайиб кетганди. Шунингдек, уларнинг кўпчилиги бир-бирига мувофиқ келмасди. Оқибатда маҳсулотнинг лойиҳадаги қувват даражасида ишлаб чиқарилиши таъмин қийин кўчарди. Баъзи ойларда, ҳатто белгиланган план бажарилмай қоларди.

Тармоқ раҳбарлари, Тошкент шаҳар Ҳамза район партия комитети бу вазиятни бартараф этиш ҳақида бош қотирдилар. Улар комбинат бошланғич партия ташкилотининг шу масала хусусидаги мулоҳазалари билан қизиқдилар. Барча фикрлар жамланган, корхона бош инженери вазифасига иккинчи цехга раҳбарлик қилиб келаётган Т. Тиркачевни тайинлашга қарор қилинди.

У энг аввало технологиянинг бутун жараёнини кўриб чиқди, мутахассислар билан атрофлича маслаҳатлашди. Машина-механизмлар, ускуналарнинг аксариятини серунум, энг замонавийларига алмаштириш, ишлаб чиқариш маданияти ва эстетикасини ошириш зарур деган хулосага келишди. Ташкилий-техникавий тадбирларнинг комплекс плани ишлаб чиқилиб, уни амалга оширишга изчил киришилди.

Тармоқ ходимлари билан шоли оқлайдиган машиналар хусусида суҳбатлашсангиз Венгрияда ишлаб чиқарилган «РС-125» типидаги агрегатни биринчи бўлиб тилга олишади ва унинг пишиқ-пухталигини, маҳсулот сифатли бўлишини таърифлашади. Комбинат 1-гуруч цехини реконструкция қилиш жараёнида айнан шундай машиналардан ўнтаси ўрнатилди ва мавжудлари билан биргаликда тўртта линия вужудга келтирилди. Конвейерга тушган шоли босқичма-босқич тўрт марта оқланиб, топ-тоза бўлиб чиқади. Маҳсулотни қадоқлаш участкасига етказиб берадиган қурилманинг ҳам ўнтаси янгиланди.

Комбинат цехларини реконструкция қилишга 390 минг сўмдан зиёд капитал маблағ сарфланди. Ҳозирги пайтда 1-омухта ем цехини техникавий жиҳатдан қайта ускуналаш ишлари босқичма-босқич адо этилаяпти. Бу тадбирларни амалга оширишда монтажчилар бригадири Ренат Мусин, бўёқчилар етакчиси Қаҳрамон Разаев, технолог Виктор Ильичев, қурилиш мастери Михаил Могилевский, моҳир слесарь Виктор Ивашкин, Юрий Григорьянц, Юсуф Ўрмонбеков ва бошқа ишчи-хизматчилар катта жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Реконструкция ўз самарасини бермоқда. Кейинги ойларда комбинат бир маромда ишлаяпти. Ўн иккинчи беш йиллик учинчи йили кўрсаткичлари ҳам шундан далолат беради. Шу даврда пландагидан ташқари бир миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди. Савдо, умумий овқатланиш шохобчаларига юз минг тоннадан ортиқ гуруч жўнатилди. Бу планда белгиланганидан 3 тоннадан кўпроқ ошиқдир. Омухта ем ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам яхши бўлди. Чорвачилик комплексларига пландагидан деярли минг тонна кўп озуқа етказиб берилди. Йил бошидан бери ҳар тонна шолидан ўртача 652 килограммдан гуруч тайёрланиб, бу борадаги план ҳам ошириб адо этилди.

— Ютуқларимизнинг омилларидан бири мусобақа бўлмоқда,— дейди комбинат бош инженери Т. Тиркачев.

— Мусобақа якунларига кўра 2-омухта ем цехи биринчи, 2-гуруч цехи иккинчи, 1-гуруч цехи коллективи эса учинчи ўринни олди. Коллективимиз дастлабки ютуқлар билан чегараланиб қолмайди. Бундан буён умумий маҳсулот ҳажмида юқори сортли гуруч салмоғини тобора ошириб боришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Эл эҳтиёжи фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолаверади.

Корхона раҳбари коллектив муддаосини айтган эди. Чунки комбинат ишчи-хизматчилари Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қилаяптилар.

С. САЙДАЛИЕВ.

700412 СЧЁТИГА

ТОШКЕНТ РАЙОНИ НОМИДАН

● Табиий офат туфайли Арманистон халқи бошига тушган кулфатни тугатишда кўплар қатори Тошкент райони аҳолиси ҳам қўлларидан келган ёрдамни аямаётирлар. Райондаги 396-механизациялашган кўчма колонна коллективи қардошларимиз ёрдам фондига 1235 сўм миқдорида маблағ ўтказди.

● Келес шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалласи аҳли эса зилзиладан зарар кўрган жабрдийдалар учун 700 сўм тўплаб, 700412 счётига ўтказдилар. Бу хайрли ишда Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, маҳалла ўртоқлик суди раиси Т. Саидов, маҳалла комитети раисининг ўринбосари А. Холматовлар бошқош бўлишди.

● Район ички ишлар бўлими ходимлари ҳам арман дўстлари қайғуларига бефарқ қарамадилар. Ички ишлар бўлимининг ҳамма хизматчиси ўзларининг икки кунлик иш ҳақларини ёрдам фондига ўтказишга қарор қилди.

ҚАРДОШЛИК ЁРДАМИ

«Узагростройга қарашли Тошкент областидаги «1-агрооблстрой» бирлашмаси қурувчилари Арманистоннинг Ахурян районида зилзиладан зарар кўрган биноларни тиклаш ишларида актив иштирок этмоқдалар.

Бу ишга бирлашманинг районлардаги қурилиш ташкилотларидан энг тажрибали қурувчилари, инженер-техник ходимлари, техника бошқарувчилари жалб қилинган. Улар орасида моҳир ғишт терувчилар Бахтиёр Қобилов, Файзулла Исмоилов, бетончилар Исматулла Эргашев, Ҳасан Ҳайитов, пайвандчилар — Руҳиддин Муҳиддинов, Александр Оршанин, экскаватор-бульдозерчи — Холиқберди Минтбоев, Расул Темиралиев каби қурувчилар бор. Улар прораб Ержон Есирненов бошчилигида қардошларимиз диёрида бунёдкорлик ишларини олиб боришмоқда.

Тошкентлик қишлоқ қурувчилари икки йил ичида Арманистон диёрида 168 та уй-жой биноларини қуриб беришга аҳд қилганлар.

А. ЖАББОРОВ.

ЧЕТДА ТУРМАЙМИЗ

Арманистон ССРда бўлган кучли зилзила ҳаммамизнинг қалбларимизни зирқиратиб юборди. Бундай мусибатли кунларда ўзимизни уларга кўмакдош, деб биламиз. Биз Паркент районидаги Самар Раҳматуллаев номли 10-ўрта мактаб ўқувчилари 300 сўм пул тўплаб табиий офатдан зарар кўрганлар фондига ўтказдик. Шунингдек, мактабимиз ўқитувчилари бир кунлик иш ҳақини шу фондга ўтказишди.

Ш. РИЗАЕВ,
9-синф ўқувчиси.

РАҲМАТ

Ҳурматли редакция!

Боши ёстиққа етган одам саломатлиги қадрини тушунар экан. Буни ўз ҳаётимда синадим. Илгарилари ишда, уйда чоп-чоп билан бўлиб, соғлиғим ҳақида ўйламабман ҳам. Охири қаттиқ ётиб қолдим. Икки оёғимнинг зирқираганига чидаб бўлмасди. Бора-бора юришдан тўхтадим.

Шунда Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозда жойлашган область физиотерапия шифохонаси нажоткорлари жонимга аро киришди. Ўз вақтида билиб қилинган муолажалар туфайли яна қаддимни кўтардим. Дардим чекинди.

Мени оилам бағрига, меҳнат қучоғига қайтарган шифокорлар Т. Сотиболдиев, Р. Маҳамбетова, Л. Сирлибоева, Г. Омонқуловаларга чин дилдан миннатдорчилик билдираман.

М. МИРСАИДОВ,
Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози.

ЧОП ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг энг катта телекомпанияларидан бири — Си-эн-эн телекомпанияси Михаил Горбачевнинг ўтган йилнинг 7 декабрида Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида сўзлаган нутқининг телевидение орқали кўрсатилишини якшанба куни тақрорлади. Совет раҳбарининг нутқи «шу йилнинг машҳур кишиси» программаси доирасида такроран кўрсатилди.

Такрорий кўрсатувни фақат америкаликлар эмас, европаликлар ҳам яна кўришга муваффақ бўлдилар. Си-эн-эн телекомпанияси уни Европа канали орқали икки марта — шанба ва якшанба кунлари кўрсатди.

«М. С. Горбачев нутқини кўриш ва эшитиш имкониятига эга бўлмаган кишилар яна бир имкониятга эга бўлишларини истайман, — деди АҚШдаги «Тернер бродкастинг систем» (Тк-би-эс) телевизион компаниясининг президенти, Си-эн-эн телекомпаниясининг вице-президенти Тед Тернер Жоржия штатидаги Атланта шаҳрида ТАСС мухбири билан телефон орқали суҳбатда. — Бундай нутқни ҳамма кўриши ва эшитиши лозим. Си-эн-эн бутун дунёга эшиттириш беради, шу сабабли ҳамма жойда одамлар ана шундай имкониятга эга бўладилар». Тед Тернер совет раҳбарининг БМТдаги нутқини «давримиздаги энг муҳим нутқ» деб атади.

✦ МЕХИКО. Мексикада автомобиль овозини сўндиргич ихтиро этилди, у ўзининг асосий вазифасини бажаришдан ташқари айни пайтда машина ишлаб чиқарган газнинг 50 процентини ўзига сингдиради. Унинг корпусида техник спиртларга олтингугурт аралаштириб тайёрланган суюқлик билан тўлдирилган алоҳида спираль бор. Бундай конструкция машинадан чиққан газдаги энг заҳарли моддалар — қўрғошин ва углерод оксидининг анчагина қисмини ушлаб қолишга имкон беради. Мехико шаҳрининг тутундан нафаси бўғилмоқда, мутахассисларнинг ҳисоблашларича, бу тутунининг 80 процента салкам 3 миллион автомобилдан чиққан газдан иборат. Ана шундай шароитда ихтиронинг аҳамияти жуда беқиёсдир.

Ҳозир Мексика шаҳар тараққиёти ва экологияси министрлиги лабораториясида янги овоз сўндиргичнинг комплекс синови бошланди. Дастлабки натижаларнинг ўзиёқ унинг юқори самаралли эканлигини кўрсатди. Бундай овоз сўндиргични оммавий равишда ишлаб чиқариш планетадаги аҳолиси энг кўп шаҳарнинг экология вазиятини анча соғломлаштиришга имкон бериши кутилмоқда.

(ТАСС, 16 январь).



● ГАВАНА. Совет ҳарбий кемаси дўстлик визити билан шаҳар портига кириб келди. Визит давомида ҳарбий денгизчилар социалистик Куба халқи ҳаёти билан таниишадилар, саноат корхоналарида, музейларда бўладилар, республиканинг ҳарбий денгизчилари ва меҳнаткашлари билан учрашадилар. Суратда: «Вице-адмирал Кулаков» кемаси Гавана портида.

О. Середа телефотоси.

● АНГЛИЯ. Селия Григори ва Фиона Страттоннинг номи Британия ороллари машҳур бўлиб кетди. Улар қадимги идишларни қайта ҳолига келтириш бўйича катта ишлар қилмоқдалар. Суратда: Фиона Страттон XIX асрга мансуб гулдонни асл ҳолига келтиргач кўз-кўз қилиб кўрсатаяпти.

КАМЕРА ПРЕСС — ТАСС фотоси.

АФҒОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ

КОБУЛ, 16 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда президент Нажибулло билан республика олий ҳарбий қўмондонлиги вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Афғонистон раҳбари йиғилиш аҳлига мурожаат қилиб, афғон армиясининг жанговарлик қобилияти даражасини бутун чоралар билан оширишга даъват этди.

Ўтган кеча-кундузда, деб хабар беради БАХТАР агентлиги, ҳукумат қўшинларининг бўлинмалари мамлакатнинг турли районларида муросасиз опозициячи бўлинмаларига қарши жангларни давом эттирдилар. Масалан, Лағмон, Кандаҳор ва Лоҳур вилоятларида исёнчилардан қарийб 40 киши ва қурол-яроғ ортилган уч машина яксон қилинган. Экстремистлар Парвон вилоятида бир неча ўнлаб кишиларидан маҳрум бўлганлар. Кобул вилоятида «Афғонистон Ислом партияси» босмачилари группаси яксон қилинди. Жанг вақтида 20 дан ортиқ экстремист ўлдирилган ва жароҳатлантирилган.

БАХТАР агентлигининг хабарига кўра, миллий яраш сиёсати амал қилаётган икки йил мобайнида Пактиё вилоятига чет эллардан 4200 дан ортиқ афғон қайтиб келди. Маҳаллий маъмурлар ватанига қайтиб келганларга энг зарур товарлар билан ёрдам кўрсатмоқдалар, уларнинг жонажон қишлоқларига бориши учун транспорт ажратиб бермоқдалар.

Афғонистон республикаси ташқи ишлар министрлиги БМТ кузатувчиларининг Кобулдаги ваколатхонасига 182- ва 183-нотани юборди. Буларда Покистон Женева аҳдлашувларидаги қоидаларни бузганлиги тўғрисидаги янги фактлар қайд этилган.

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

АММОН, 16 январь. (ТАСС). Якшанба ва душанба кунлари фаластинлик яна уч киши Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ҳамда Ғазо секторида исроилликлар ўч олган қурбонларнинг узундан-узоқ рўйхатини тўлдирди. Улар қочоқларнинг Фариа ва Рафах лагерларида, Ал-Ҳалил яқинидаги Даҳария қишлоғида фаластинликларнинг тинч намойишини тарқатиб юбориш чоғида ўлдирилганлар. ПЕТРА ахборот агентлигининг хабар беришича, қурбонлар рўйхати 596 кишини ташкил этади.

Ғарбий соҳилда ва Ғазо секторида ялпи норозилик намойиши давом этмоқда. Магазинлар ишламаяпти, транспорт тўхтаб қолган. Ал-Ҳалил, Тулкарм, Байт-Лаҳм ва Қуддусда тўқнашувлар тўхтамаяпти. Ўтган кеча-кундузда Ғазо секторида 50 дан ортиқ киши жароҳатланган ёки кўздан ёш оқизувчи газ билан оғир заҳарланган. Бу газдан 75 ёшли Аҳмад Ҳусайн ҳамда бир чақалоқ нобуд бўлган. Исроил полициясининг бўлинмалари Байт-Лаҳм районидаги фаластинликларнинг Селван қишлоғини қуршаб олиб, у ерда тинтув ўтказиб, одамларни қамоққа олишган, етти уйни вайрон қилиб, уларнинг эгаларини маъмурларга қаршилик кўрсатишда айблашган.

Ғазо секторида ҳамма жойда комендантлик соати амал қилмоқда. Ғарбий соҳилда ва Ғазо секторида фаластинликларнинг 20 та мактаби ёпиб қўйилган.

• *Санъаткорлар даврасида* •

КИЧИК РОЛЛАР УСТАСИ

САҲНА асарларида шундай роллар ҳам бўладики, бу ёрдамчи ролларсиз бош қаҳрамоннинг кемтиклиги, унга нимадир етишмаётгани аниқ-равшан кўриниб туради. Шунинг учун ҳам асар моҳиятини тўла очиб бўлмайди. Бундай роллар эпизодик ҳисобланади.

Мен шундай актёрларни биламанки, улар спектакль давомида саҳнада бир оғиз гапирмаса ҳам томошабинга бир олам завқ бахш этадилар. Машҳур актёрларимиз А. Ҳидоятов, С. Эшонтўраева билан бирга Москва студиясини 1927 йилда тугатган Ғуломқодир Асомов деган актёр бўларди. У спектакларда бирорта катта роль ижро этмаган бўлса-да, санъат шинавандалари у яратган «кичик» ёки «сўзсиз» қаҳрамонни кўриш учунгина театрга тушишарди десам, ишонаверинг. Ҳатто бу актёр ҳақида ўша йиллари матбуотда «Ушоқ роллар устаси» сарлавҳали каттагина мақола ҳам босилган эди. Дарҳақиқат, эпизодик ролларни салмоқли роллар даражасида ижро этиш актёрдан катта маҳорат ва изланиш талаб этади. Бошқача қилиб айтганда, «йўқдан бор қилмоқ» ҳамма санъаткорларнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Бугунги кунда ижодий коллективимизда тиним билмай изланаётган актёр Турғун Хонтўраев яратаётган роллардан завқланар эканман, беихтиёр Ғ. Асомовни эслайман. Сабаби, Т. Хонтўраев кўп жиҳатлари билан унга ўхшаб кетади. Энг муҳими, унинг роллари ҳам томошабин хотирасида узоқ сақланиб қолади.

Турғун болалигиданоқ ҳамма нарсага қизиқар, воқеа ва ҳодисаларни синчковлик билан кузатарди. Синфдошлари ундан ҳар куни бирор янгилик кутишга одатланиб қолишганди. Уларнинг уйи бозор яқинида бўлиб, у бўш пайтларида бу ерга келган турли-туман кишиларни сиртдан томоша қилиб, уларнинг алоҳида кўзга ташланадиган қилиқларини осонгина ўзлаштириб, ўртоқларига таккорлаб берарди.

1950 йил эди, чамаси. Ҳамза театри коллективи Асака (ҳозирги Ленинск) шаҳрига гастролга боради. Спектакллар ёзги театр биносида кўрсатилганидан, ён-атрофда ўсган баланд дарахтларга болакайлар чиқиб олишиб, спектакль кўришардилар. Улардан бири томошага қаттиқ берилиб кетиб, қаерда ўтирганини унутиб қўяй-да, гупиллаб ерга йиқилиб тушади. Жиддий жароҳат олган бола эртасига ҳеч нима кўрмагандай қадрдон «ложаси» — дарахт шохига қайтадан маҳкам ўрнашиб олиб, яна томоша кўраверган. Болакай, айниқса, «Гамлет» спектаклини интиқлик билан кўрарди. Ундаги «Гўрков» саҳнасини кўпроқ ёқтирарди. Шунинг учун бўлса керак, бир неча марта гул кўтариб келиб, Гўрков ролини ижро этгай артист М. Мироқиловга бермоқчи бўлар, лекин эшик олдида ўтирган қоровул уни ичкарига киритмасди. Нима қилиш керак? Шунда боланинг миясига ажойиб бир фикр келади: у бир қўлида гул, иккинчи қўлида таёқ ушлаган ҳолда туртилиб-суртилиб қоровул ҳузурига келади. Содда қоровул эса уни кўр гумон қилиб ичкарига қўйиб юборади. Ўша «топқир ва шум» бола — бўлажак актёр Т. Хонтўраев эди.

У ўрта мактабни битирганидан кейин Тошкентга келади. Талантли режиссёр Т. Хўжаев уни ўз курсига қабул қилгач, «Ваня тоға» асаридаги энага ролида синаб кўрмоқчи бўлади. Бундан актёр қаттиқ ранжийди, ўртоқларим аёл ролини ижро этибди, деган гапни эшитиб қолишса нима бўлади, деган хаёлга бориб, ҳатто ўқишдан қочиб кетмоқчи ҳам бўлади. Спектакль ўқув йили охирида Москвага олиб борилиб, МХАТнинг филиалида кўрсатилади. Буни қаранг-ки, ўшанда энага ролини эркак киши ижро этганини томошабинлар у ёқда турсин, мутахассислар ҳам сезишмабди. Шундан сўнг режиссёр А. Гинзбург Т. Хонтўраев билан қизиқиб қолиб, унга ўзи саҳналаштирадиган спектакллардаги сўзсиз ролларни топширади. Актёр «Ҳамза» ва «Мирзо Улуғбек» спектакларида Исириқчи ва Зиндонбон ролларини ижро этаркан, болалигида бозорда кўрган кишилар қиёфасидан фойдаланади. «Ўғирланган умр»да эса қўлида ҳамиша пашша ўлдирадиган резинка ушлаб юрадиган Сейдзо ролини ўйнади. Хуллас, ўзи яратадиган образнинг ички дунёсини очишга хизмат қиладиган бирор деталь топмаса унинг кўнгли ўрнига тушмасди.

Т. Хонтўраев образнинг касб-корига ҳам катта аҳамият беради. Акс ҳолда, спектаклнинг таъсирчан бўлишига ишонмайди. Тўғри-да, болга уришни билмаган темирчидан томошабиннинг ҳафсаласи пир бўлиши турган гап. «Олтин девор» спектаклидаги Абдусалом (бу роль эпизодик эмас) образини актёр ижросида томоша қиларканмиз, у бир қўлида бигиз, бир қўлида игна, маҳси тикади: демак, у косиб. Ушбу образни ўз вақтида Ўзбекистон ССР халқ артисти С. Олимов билан А. Турдиевлар қойилмақом қилиб яратишган эди. Турғуннинг «Абдусаломи» ҳам улар билан беллашишга қодир.

Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» асаридаги музикачи Миллернинг (бу ҳам етакчи роль) ўз оиласига садоқати, касбига фидойилиги, айниқса, қизининг ўлимидан сўнг, қўлига скрипкасини олиб, тарки дунё қилганча, уйдан чиқиб кетиши ҳолатларини артист бениҳоя таъсирли акс эттира олган.

«Алишер Навоий»даги Абулмалх образи ҳам томошабинлар қалбини ларзага келтирган. Биз бу образ қиёфасида ниҳоятда содда, саминий ва заҳматкаш бир инсонни кўрамиз. Улуғ шоирга Мансурнинг хиёнат қилиши саҳнасида унинг садоқат тўла вужуди титраб кетади. Драматург Уйғунининг «Парвона» асаридаги Аброр образи-чи? У саҳнада кўринишиби биланоқ томошабинни ўзига сеҳрлаб қўйгандай бўлади. Бир қараганда, у ичкиликка муккасидан кетгандай кўринсада, аслида оққўнгил ва меҳрибон бир инсон.

Юқоридаги учта образдан қатъий назар, мен актёрнинг кичик роллари, яъни йўқдан бор қилган қаҳрамонлари билан фахрланаман. Яқинда театримизда В. Шекспирнинг «Кориолан» фожиаси саҳналаштирилди. Унинг асосида шахс ва халқ масаласи туради. Режиссёр Р. Ҳамидов шу боисдан ҳам оммавий саҳналарга алоҳида эътибор берди. «Халқ» саҳнаси тўлақонли чиқишида у иқтидорли актёрлардан фойдаланди. Т. Хонтўраев эса турмуш машаққатларидан бели букчайган, очликдан эзилган қаҳрамонни ижро этди. Ниҳоятда содда, ким нима деса лақ-қа тушадиган бу образ ўзининг борлигини, дунёқараши ва изтиробларини биргина «ҳим» дейиш билангина ифодалайди.

Т. Хонтўраевга атоқли санъаткор Шукур Бурхоновнинг ҳам меҳри тушганди. Шуни ҳам айтиш керакки, Шукур ака ун-ча-мунча актёрга тан бермас, образ яратишда пала-партишлик ва ҳовлиқишни ёқтирмасди. Ўзи ихлос қўйган кишисига эса ҳамиша меҳрибонлик кўрсатар, ижодий ўсишига сидқидилдан кўмаклашарди. У Т. Хонтўраев ижросидаги Бобо Кайфий («Мирзо Улуғбек»), Ғулом чўлоқ («Қиёмат қарз») ролларини юқори баҳолар, актёрни ўзи иштирок этадиган спектакларда қатнашишини истарди.

Т. Хонтўраев — ижодда ҳам, ҳаётда ҳам серғайрат инсон. Репетициядан бўш пайтларда у кўпинча газета ва журналлар ўқиб, бадиий асардан парчалар ёдлаётганининг гувоҳи бўламиз. Санъат шинавандалари билан учрашув, савол-жавоб кечаларида эса, албатта, уларга ибрат бўладиган гаплар айтади. Унинг бирор марта спектаклда қатнашмай қолганлигини эслай олмайман. Ўтган йили саҳнада актёрнинг тўсатдан бир қўли ишламай қолди. Коллективимиз эртасига Хоразмга гастролга бориши керак эди. У бетоблигини ҳеч кимга билдирмасдан уйига кетди ва эрталаб биз билан бирга гастролга жўнади. Бундай фидойилик, менимча, фақат ҳақиқий санъаткоргагина хос фазилатдир. Ўз санъати билан томошабинлар меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиб келаётган талантли актёр Т. Хонтўраев ана шу фазилатлари билан ижод йўлидан дадил қадам ташлаб бормоқда.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати.

РЕДАКЦИЯДАН: Янги йил арафасида республикамизнинг бир гуруҳ театр актёрлари қаторида Турғун Хонтўраев «Ўзбекистон ССР халқ артисти» унвонига сазовор бўлди. Таниқли санъаткорни газетхонлар номидан бу юксак унвон билан саммий табриклаб, унга мустаҳкам соғ-саломатлиқ, янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Юбилей» марказий спорт саройида

19—22 ЯНВАРДА

МОСКВА «АПРЕЛЬ»

КОНЦЕРТ-ГАСТРОЛЬ ФИРМАСИ

«ГИДДИ-АПС» ГРУППАСИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

«РОКТОПС» ФИРМАСИ (Финляндия)

билан ҳамкорликда

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БИРИНЧИ МАРТА РЕПЕРТУАРДА — кучли мусиқий вокал ижросидаги рок.

ТОМОШАЛАР: 19, 20, 21, 22 январь соат 17 ва 20.00да бошланади.

Билетлар «ЮБИЛЕЙ» марказий спорт саройи кассаларида ва билет тарқатувчилар томонидан сотилади.

Справкалар учун телефонлар: 46-03-12 — касса; 46-07-53 — администратор.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ПАХТАЧИЛИК УЧУН МАШИНАЛАР ЯРАТИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ МАХСУС КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ

шартномалар асосида, банк орқали ҳақ тўлаган ҳолда қуйидаги ишларни бажариш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

— Стандартлаш ва унификациялаш масалалари, маҳсулотларнинг сифатини бошқариш бўйича консультациялар бериш;

— корхона стандартларини ишлаб чиқиш;

— агротехника, энергетика, пишиқлик, узоқ вақтга чидашлик, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаш билан бирга машина ва ускуналарни комплекс синовдан ўтказиш.

Синовларни ўтказиш учун ГСКБ дала базаси (полигон) ва барча зарур техника воситалари ва приборларга эга.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Ново-Ульяновск кўчаси, 210-уй (16, 21, 30-автобусларнинг «Шампан винолари заводи» бекати). Телефонлар: 67-68-00, 68-62-36 — стандартлаш масалалари бўйича; 68-63-13, 68-73-20 — машиналарни синаш масалалари бўйича.

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА ОЛУВЧИЛАРГА ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КООПЕРАТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Техника кўмаклашади

Тупроққа ишлов бериш, ерга ўғит сепиш, кейинчалик эса етилган ҳосилни йиғиб олиш ниҳоятда сермашақат иш ҳисобланади. Бироқ хусусий томорқаларда ёки ижарага олинган ер участкаларида қишлоқ хўжалик юмушлари билан шуғулланувчиларнинг жисмоний кучқувват талаб қилинадиган ишларни бажаришда шахсий фойдаланиладиган ПРИЦЕПЛИ Т-28 Х-4 МАЭ ТРАКТОРИ катта ёрдам қилади.

Т-28нинг ёқилғи сарфи 400 км. масофага 90 литрни ташкил этади. Прицепи универсал бўлиб, уч томонга очилади. Юк кўтариш қуввати — 4 тонна.

Т-28 Х-4 МАЭ тракторини Ташхозторгнинг «Боғбон» («Садовод») магазинидан (Шимоли-Шарқий массиви, Қодиров кўчаси) ва **Таштоплесстройторг магазинидан** (Салар базаси, Грампластинкалар кўчаси) **сотиб олиш мумкин.**

Тракторнинг баҳоси — 6340 сўм.
Прицепнинг баҳоси — 2770 сўм.

«Узхозторг»нинг «Союзреклама» бирлашмасининг Тошкент областлараро базаси. Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш Узбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАР КУРСИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Трамвай ҳайдовчилар учун ўқиш муддати — 5 ой. Ўқишга кирувчиларнинг ёши 20 дан кам бўлмаслиги шарт, троллейбус ҳайдовчилар учун ўқиш муддати — 6 ой, ўқишга кирувчиларнинг ёши 21 дан кам бўлмаслиги шарт.

Ойига — 70 сўм стипендия тўланади.

Курсларга қабул қилинганлар трамвай ва троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

1-трамвай депоси — Гайдар кўчаси, 50-уй.
2-трамвай депоси — Ғ. Ғулом кўчаси, 57-уй.

«Красновосточное» депоси — Красновосточная кўчаси, 3«а» уй.

1-троллейбус депоси — Т. Шевченко кўчаси, 28-уй.
2-троллейбус депоси — Пионер кўчаси, 4-уй.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ўқув комбинати — Новий путь кўчаси, 180«а» уй.

Машғулотлар группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ТАШКЕНТВОДСТРОЙ» **қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг** 1-КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАСИ **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар 1989 йилнинг 1 февралига қадар қуйидаги адресда қабул қилинади: Хасково посёлкаси, Тошкент области, Калинин райони.

Агросаноат комплекси ходимлари касаба союзининг Тошкент область комитети коллективи касаба союзларининг кекса ходими

Турғун Ражабович РАЖАБОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

№ 1 (35)

БЎЛИМНИ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ БОШЛИҒИ М. АҲМЕДОВ РАИС ЭТИБИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИ ОЛИБ БОРАДИ.

✦ Техника кўриги — хавфсизлик гарови

✦ Огоҳлантириш мактуби

✦ Ҳақ тўлашда янги тартиб

БИРЛАШМА НОМИГА НОМУНОСИБ...

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларига область Ички ишлар бошқармаси бошлиғи хат жўнатди

БУ хатда самолёт ишлаб чиқарадиган фахрли корхонамиз номига номуносиб хатти-ҳаракатлар қилган ҳайдовчилар ҳақида гап боради. Хусусан, 1987 йил 12 декабрда Бекобод районида 40—55 ТНЖ номерли ЗИЛ —130 машинаси ҳайдовчиси В. Анисимов маст ҳолда қўлга тушган эди. Райондаги ҳашарчиларга хизмат кўрсатаётган бу ҳайдовчи енгил жазодан хулоса чиқармаган шекилли 1988 йилнинг 30 октябрида яна «қиттак отиб» машина бошқарган ва қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилган эди.

Афсуски, бирлашма ҳашарчилари ишини бошқараётган ўртоқлар ўтган йилги бу ҳунук воқеадан тегишли хулоса чиқариб олмабдилар. Ўтган йил 19 октябрда ёрдамчиларга хизмат кўрсатаётган 13—25 ТНТ ва 13—27 ТНТ номерли «Урал» машиналари йўлда тўхтатилди. Ҳар бирининг кузовида 26 нафардан ҳашарчи бор эди. Текширишда аниқланишича, иккала ҳайдовчи — Ю. Гордиенко ва Э. Одиловларнинг ҳайдовчилик гувоҳномасида одам ташишга рухсат этадиган «Д» категорияси йўқлиги аниқланди. Яъни, бу ҳайдовчиларнинг одам ташишга малакаси йўқ. Ҳаракат хавфсизлиги қоидасига хилоф!

Фақат шугина эмас экан. Бирлашма районга юборган, одам ташишга мослаштирилган 8 автомобилдан 6 тасининг ҳайдовчилари зарур малакага эга эмас.

Бундай аҳвол ҳаракат хавфсизлигига ва одамлар ҳаётига рахна солишини эслатиб Бекобод район ГАИ раҳбарлари бирлашма пахта терими штабининг бошлиғи С. Махаматкаримов ва унинг ўринбосари Ю. Зубовга бир-неча марта айтдилар. Улар эса зарур чоранси кўрмадилар.

Бунақа ўзбошимчалик яхшиликка олиб бормайди. Фалокат оддий интизомсизликдан бошланади. Интизомсизликни йўқотиш учун эса албатта фалокат рўй беришини кутиш шарт бўлмаса керак?

Х. АЛИМОВ.

• *Маст ҳолда—рулда* •

ҚИЛМИШИНГИЗДАН УЯЛИНГ!

Ўтган йилнинг 6—9 ноябрь кунлари областимиз кўча ва йўлларида 252 ҳайдовчи маст ҳолда машина бошқараётганда ушланди. Шулардан 50 нафарини область Давлат автомобиль инспекцияси аппаратининг 15 ходими байрам кунлари рейд давомида қўлга туширди.

Бу — жуда катта рақам. «Катта»лиги учун қувонадиган эмас, қуйинадиган рақам. Қуйиниш боиси шундаки, маст шофер билан бахтсиз ҳодисанинг ораси — бир қадам, бир дақиқа! Ҳар куни рўй бераётган ўнлаб автоаварияларнинг аксарият энг оғир оқибатлилари — маст ҳолда машина бошқариш билан боғлиқ. Минг афсуски, бу ҳақда қайта-қайта ёзишимизга, гапиришимизга, маст шоферга жазони кучайтиришга қарамай, ҳамон бу оддий ҳақиқатни тушуниб етмаётган, тушунолмаётган ёки тушунишни истамаётган кишилар учраб турибди. Улар орасида КПСС аъзолари, раҳбар ходимлар, педагоглар, тарбиячилар ва бошқа шу каби ҳурматли кишиларнинг борлиги эса янада ачинарлидир. Ахир, бир қултум ароқ олдида ўзини тиялолмаган раҳбардан унинг қўл остидаги ходимлар нимани ўрганишади, мактаб директори ё ўқитувчидан болалар қандай сабоқ оладилар? Афсус, минг афсус.

Бундай нафси бузуқларнинг қилмишини газета саҳифасида шарҳлаб кўп ёздик, энди эса исм-фамилияларини қора ҳарфларда атаб қўяқоламиз. Бу «қора»нинг мазмунини ўзлари ва атрофдаги кишилар яхши тушуниб олишади:

Ган-Дюн АН — Чирчиқдаги 58-ўрта мактаб директори, «Москвич» К 05—36 ТШ;

А. АТИЕВ — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати қоровуллар бошлиғи, «Москвич», В 06—83 ТШ;

А. Худойберганов — 3-ўсмирлар кўнгилли спорт мактаби тренери, «Запорожец», М10 —13 ТН;

А. Макулов — Бўстонлиқ район тайёрлов идораси лаборанти, ГАЗ-24, Г 24—95 ТШ;

Б. Қозоқбоев — «Оққўрғон» матлубот жамиятининг магазин мудири, ВАЗ-2106, Н28—76 ТШ;

Х. Дадабоев — Чирчиқдаги 12-ошхона мудири, ГАЗ-24, Г23—92ТШ;

Р. Пирмқулов — Ғалаба районидаги «Ленинград» совхози директорининг шофери, УАЗ-469, 32—89 ТША;

С. Самиғуллина — «Чирчиксельмаш» заводининг 3-болалар боғчаси тарбиячиси, ВАЗ-2106, Б19—16ТШ.

В. БЕРЕЗКО,
область Давлат автомобиль инспекцияси бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковники.

ТИЛЛА ПАКЕТ

✦ Швейцарияликларнинг олижаноб характерлари хусусида гап кетганда, улардаги инсофлилик, диёнат ҳақида алоҳида сўз юритишади. Яқиндагина Цюрихда бўлиб ўтган ҳодиса ҳам бунга бемалол гувоҳлик бера олади. Банкнинг ёш хизматчиси йўлда кета туриб, кўчада ётган катта пакет топиб олди. Ичини очиб кўрса, оғирлиги 5 килограмм келадиган олтин қуймалари экан. Йигитча ҳеч иккиланмай топилманни полиция участкасига топширибди. У ердан эса бу пакет эгасига жўнатилган. Мана буни олижаноблик деса бўлади.

62,5 КИЛОГРАММЛИ ЛУҒАТ

✦ Шу йилнинг март ойи охирларида инглиз тилининг энг катта луғати нашрдан чиқади. Кимки унга эга бўлишни истаса, бемалол қўлга киритиши мумкин. Агар уни кўтара олса...

Чоп этилаётган «Инглиз тили Оксфорд луғати»нинг иккинчи нашри 22 томдан иборат бўлиб, 22 минг саҳифага жо бўлган. Бу улкан китобнинг вазни 62,5 килограмм келар экан.

НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчилик Совети навбатдаги қабулни эртага — 19 январь, пайшанба куни соат 17.00 дан бошлаб ўтказади. Бу сафар меҳнаткашларни жамоатчилик Советининг аъзоси, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Н. Турсунматов қабул қилади.

Жамоатчилик Советининг қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИНИНГ ҚАБУЛХОНАСИ.

Автоҳаваскорлар диққатига!

ҲАР ОТ КУЧИГА 50 ТИЙИНДАН

СССР Олий Совети Президиуми ўтган йилнинг март ойида «Транспорт воситалари ва бошқа ўзюрар машина ва механизмлар эгаларига солиқ солиш ҳақида» фармон қабул қилди. Бу фармон 1989 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга кирди. Енгил автомобиль эгалари янги йилдан бошлаб машинанинг ҳар от кучига 50 тийиндан ёки моторнинг ҳар киловатт қувватига 68 тийиндан, мотоцикл эгалари 30 ёки 40,8 тийиндан солиқ тўлайдилар. Айтайлик, гражданнинг «ВАЗ-2101» автомобили бор, унинг моторининг қуввати 56 от кучи. Демак, солиқ 28 сўмни ташкил этади. Солиқ занжирли машина ва механизмларга солинмайди.

Солиқ транспорт воситаларининг регистрациясигача, қайта регистрациясигача ёки транспорт воситаларининг ҳар йилги техник кўригигача тўланади. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Шуҳрат орденининг тўла нишондорлари, Улуғ Ватан уруши ёҳуд ҳарбий хизмат инвалидлари солиқ тўлашдан озод этилади. Белгиланган муддатда солиқ тўламаган транспорт воситалари эгаларидан ҳар чўзилган кун учун 0,1 процент миқдорида пеня (жарима) олинади.

Фармонда белгиланганидек, бу тадбир гражданлар —транспорт воситалари эгаларини солиқ тўлашини тартибга келтириш ҳамда автомобиль йўллари қурилиши ва ремонтига сарфлаш мақсадида амалга оширилди.

Х. ЗОКИРОВ,
область Давлат автомобиль инспекциясининг имтиҳон-регистрация бўлими бошлиғи.

✦ 1989 йил учун автомобилларни техник кўрикдан ўтказиш бошланди. Автомобилларни ўз вақтида кўрикдан ўтказиш ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг узоқ вақт, бенуқсон ишлашига кафолат беради. Бу ишларни диагностика ходимлари шараф билан уддалямоқдалар. СУРАТДА: (чапдан ўнгга) техник назоратчи М. Акбердиев, пойтахт Давлат автомобиль инспекцияси диагностика станцияси бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Э. Мавлонов ва слесарь А. Абдужабборовлар навбатдаги автомобилни техник кўрикдан ўтказмоқдалар.

А. Зуфаров фотоси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916. 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; саноат капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325767; социал масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарвалик — 325645; эълонлар бўлими — 325727.

Р — 11528. Б 1525. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12